Бугуиги сонда:



3-бет

ТЕРАК ЭККАН КУДАЛАР



4-бет

ҚОНУН НОМИ БИЛАН

5 – бет

МУСАВВИРНИНГ МУЪЖИЗАКОР ОЛАМИ



6-бет

ТИНИБ-ТИНЧИМАС МАРАДОНА

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 17 февраль, пайшанба № 41—42 (21.646). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД БАЪЗИ ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давлат назорати тизимини янада такомиллаштириш, уни бозор муносабатлари талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, назорат қилувчи органлар ишидаги параллелчиликни бартараф этиш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 21-бандига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонида Назорат инспекцияси ва тегишли равишда вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг аппаратлари таркибларида назорат инспекциялари ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенеси аппаратида ҳам Назорат инспекциясини ташкил этиш зарур деб топилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони назорат инспекциясининг раҳбари айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан таъсирчан назоратни ташкил этиш, назорат органларининг ишидаги параллелизм ва такрорлашни бартараф қилиш, республикада бозор муносабатлари воситаларини рўёбга чиқаришга ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш янги ташкил этилган инспекциялар фаолиятининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида назорат инспекциялари ходимларининг сони, уларни таъминлаш учун зарур маблағлар ҳамда тугатилган Давлат назорати қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари мулкидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 10 кун муддат ичида назорат инспекциялари тўғрисида низом лойиҳасини, шунингдек амалдаги қонунларни ушбу фармонга мувофиқ ҳолга келтиришга оид таклифларни ишлаб чиқиб, тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 16 февраль.

ФРАНЦИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Эндрю Гельфи бошчилигидаги франциялик ишбилармонлар делегацияси аъзолари икки кун давомида нефть ва газ ишлаб чиқариш корпорацияси, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати, енгил саноат концернлари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси раҳбарлари билан музокаралар ўтказдилар. Ҳар икки томоннинг таклифлари, ҳамкорликда амалга ошириладиган тайёргарлик режалари атрофлича муҳокама қилинди. Натижада Бухорода нефтни қайта ишлайдиган завод, Тошкентда жаҳон талабларига жавоб берадиган меҳмонхона қуришга келишиб олинди.

Делегация аъзолари 16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов билан учрашдилар. Бош вазир ўринбосари республикада тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий ишбилармонларга қулайликлар яратиш, чет эл сармоясини рағбатлантириш ва ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб берди. Франциялик ишбилармонлар турли соҳалар бўйича алоқаларни янада кенгайтириш учун ўзаро фойдали ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирдилар.

Учрашувда республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

(ЎзА).

ИШ ДЕГАН БУНДОҚ БЎЛИБДИ

Ҳамон ер қораймай, кетма-кет қор ёғиб, қиш забтига олаётган бўлса ҳам Фарғона вилоятидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари кунлар исишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Чунки хўжаликда баҳорга тайёргарлик ишлари тугатилиб, жамоа ихтиёридаги 84 та қишлоқ хўжалик техникаси далага чиқишга шайлаб қўйилди. Малакали мутахассислардан тузилган махсус комиссия тайёргарлик ишларини «аъло»га баҳолади.

СУРАТДА: илғор механизатор Шокирали Ҳакимов.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

• *Янгиликдан хабарингиз борми?*

«МАКИНТОШ» ЎЗБЕКЧА ГАПИРАДИ

Мамлакатимиз пойтахтида Американинг жаҳонга машҳур «Эппл» корпорацияси ваколатхонаси очилганига бир йилча ҳам бўлгани йўқ. Шунга қарамай шахсий компьютерлар ишлаб чиқариш соҳасида дунёда етакчи ҳисобланган бу корпорация Марказий Осиё бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллашга интиляпти. Айтиш керакки, бу саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бермоқда.

— Корпорациямиз Марказий Осиёда иш бошламоқчи бўлганида компьютерлар чиқарувчи баъзи фирмалар бунга салбий муносабат билдиришганди, — дейди бош менежер Жан Жок Мокюэр. — Дарҳақиқат, биз Ўзбекистонга бироз кечикиб келдик. Бу ерда аллақачон Эй-би-эм, бошқа фирмалар компьютерлари қўлланилаётган эди. Шунга қарамай, енг шимариб ишга киришдик. Марказий Осиёда «Эппл» компьютерлари ҳам аста-секин ўз ўрнини эгаллай бошлади. Биз «Бизнеснинг Осиё тизимлари» («Азиатские системы бизнеса») компаниясини туздик, унда ёш, истеъдодли ўзбек мутахассислари ишламоқдалар. Улар Марказий Осиё ҳудудида диллерлик шохобчаларини ташкил этишди.

Компания компьютерлар сотиш билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Унинг асосий мақсади — Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга кўмаклашишдан иборат. Компания мутахассислари яқинда «Макинтош» компьютерларининг ўзбекча тиллашуви учун жараёнлар тизимини ишлаб чиқишди. Яна бир янгилик, бош менежернинг маълум қилишича, жорий йилда корпорация компьютерларнинг янги авлодини ишлаб чиқаришга киришади. Бу эса энг янги технологиялар соҳасида оламшумул қадам бўлади.

А. РЎЗИЕВ.

янгиликлар воқеалар хабарлар

● Тадбиркорлик

ХАЙРЛИ ФАРМОН САМАРАСИ

Республика Президентининг тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони ишбилармонларга янги имкониятлар очди, — дейди Андижондаги «Интер — Ўзбекистон» ташқи иқтисодий алоқалар илмий ишлаб чиқариш-савдо бирлашмаси бош директори О. Неъматов.

Айниқса, фармоннинг «Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, устав фондида хорижий сармоя улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган қўшма корхоналар хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига рўйхатга олинган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга мажбурий сотишдан озод қилинсинлар» деган кўрсатмалар ишбилармонликни ривожлантиришда катта омил бўлади. Илгари қўшма корхоналар ишлаб топган валюта ҳисобидан солиқ тўлаб, олинган фойданинг 15 фоизини марказий банкка мажбурий равишда сотар эди. Энди ана шу маблағни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ёки янги қўшма корхоналар барпо этишга сарфлаш имконига эга бўлдик.

● Савобли ишлар

ҲАЙРИЯГА 150 МИЛЛИОН

«Маҳалла» хайрия жамғармасини қўллаб қувватлаш йўлида савобли ишлар қилинмоқда, деб ёзади Сирдарё вилояти бўйича мухбиримиз Абдужалил Умаров.

Вилоят хокими Ғ. Ҳасановнинг қарори билан бир қатор корхона ва ташкилотлар вилоят «Маҳалла» ҳайрия жамғармасига 150 миллион сўм ўтказадиган бўлдилар. Бу маблағ асосан кам таъминланган оилалар, ижтимоий ҳимояга мухтож кекса ва ногиронларга мўлжалланган. Шунингдек, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, кичик ва қўшма корхоналар очиш каби муҳим тадбирларга ҳам ишлатилади.

● Автомобилсозлик

«МЕРСЕДЕС» ЯРАТИЛМОҚДА

«Мерседес» юк машинаси қисмлари ортилган вагонлар узоқ йўл босиб, Хоразмга етиб келди.

Дружба шаҳридаги «Ўзбекистон — Олмония» қўшма корхонасида дастлабки юк машиналарини тайёрлашга киришилди. Бу ишда ўзбекистонликларга немис мутахассислари ёрдам беришмоқда. Ҳадемай Хоразмга «Мерседес» машинаси кабиналари ортилган яна бир карвон етиб келади. Шундан кейин дастлабки «Мерседес»лар йўлга чиқа бошлайди.

● Касаба уюшмалари ҳаётидан

КОЛЛЕКТИВ ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛМОҚДА

Янги йилда корхоналар ва хўжаликлар меҳнат жамоалари билан маъмурият ўртасидаги муносабатлар қандай бўлади? Бу кўп жиҳатдан ҳар икки томон тузадиган коллектив шартномага боғлиқ. Наманган вилоятида бундай шартномалар тузишга киришилди.

Янги коллектив шартномаларда ходимлар ҳамда уларнинг оилаларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш масалаларига кўпроқ эътибор бериш назарда тутилмоқда. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши тавсиянома ишлаб чиқди. Бу тавсиялар бажарилган тақдирда ҳар бир ходимнинг меҳнати тўла муҳофаза қилинади. Корхона фахрийлари, пенсионерлар ҳам эътибордан четда қолмайди.

● Экология

«ЭКОСАН»НИНГ ЯНГИ БЎЛИМИ

Сурхондарёда «Экосан» — экология ва саломатлик халқаро жамғармасининг вилоят бўлими ташкил этилди.

Унинг зиммасида табиатни муҳофаза қилиш, экологик муҳитни яхшилаш, Сурхон ва бошқа кичик дарёлар ҳавзаларини заҳарли оқавалардан муҳофазалаш каби вазифалар бор.

(Мухбирлар, ЎзА ва хатлар асосида тайёрланди).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда аввалги сессияда ўртага қўйилган вазифалар, шунингдек, қишлоқ аҳолисини тоза сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Президент фармони қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар, жумладан вилоятнинг кўпгина олис қишлоқларини тоза сув билан таъминлаш, Оққўрғон, Бўка, Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Бўстонлиқ, Бекобод ва Оҳангарон туманларида эса газ қувурлари шохобчаларини қуриш ишлари кўнгилдагидек эмаслигига эътиборни қаратдилар.

Сессияда, шунингдек, 1994 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари ҳамда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри билан Жанубий Қозоғистон вилояти ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномасини изчил амалга ошириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Сессияда вилоят ҳокими М. Икромов сўзга чиқди.

(ЎзА).

АРНАСОЙ ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

Арнасой туманида пахта, ғалла, чорвачилик маҳсулотлари, узум, мева ва сабзавот етиштириш учун имконият бўлишига қарамай, ўтган йили пиллачиликдан ташқари барча соҳаларда режа бажарилмади. Пахта ҳосилдорлиги 16 центнерни, сугориладиган ҳар гектар ердан олинадиган ғалла эса атиги 20 центнерни ташкил этди. Ижтимоий масалаларга етарли эътибор берилмади.

Халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ана шу камчиликлар ҳақида рўйрост гапирилди. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Б. Холиқулов аризасига биноан туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси Жиззах вилояти бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаб келган Э. Холматов мазкур туман ҳокими этиб тасдиқланди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сессияда сўзга чиқди.

Сессияда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Жиззах вилояти ҳокими А. Тошкенбоев қатнашди.

(ЎзА).

• *Мустақиллик ғурури* •

ҚЎЛИ ТЕККАННИНГ ОҒЗИ ҲАМ ТЕГАДИ

ТАЙЛОҚ ТУМАНИДАГИ «СОҲИБКОР» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРУВИ РАИСИ ЮНУС МУХТОРОВ БУ ГАПНИ ҲЕЧ ИККИЛАНМАСДАН АЙТДИ

— Юнус ака, айтишларича, Сиз партия маҳкамасидан хўжалик раҳбарлигига келган экансиз?

— Тўғри. Лекин отам раҳматлик (у киши яқинда вафот этдилар) бир умр деҳқончилик қилганлар. Ўзим ҳам экин орасида ўсдим. Фақат бизнинг даврда меҳнат қилардиг-у, даромадни билмасдик. Баъзан колхознинг мевасидан бир-ярим челак сотиб, китоб-дафтар олардик, кинога борардик.

— Демоқчисизки, қорни оч қолган киши уни тўйдириш учун ҳамма чорани кўради, шундайми?

— Албатта. Қўли теккананинг оғзи ҳам тегади. Биз 40-50 йил айтиб келган ўша жамоа мулкининг ўзи умуман бўлмаган. Биз коллектив бўлиб яратиш, бунёд қилиш ўрнига, коллектив бўлиб талон-торож қилишни, ташиб кетишни ўргандик. Чунки ҳисоб-китоби йўқ нарсани ўғирлаганинг билан даъвогари бўлмайди.

— Бир пайтлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг натура усулини ўйлаб топишди. Аслида сиз айтган нарса шу эмасмиди?

— Ҳа-да! Мен колхозга келгач, ишни айнан шундан бошладим.

— Ахир у пайтда...

— Тўғри, янги раис ерни ҳам, маҳсулотни ҳам талон-торож қилиб юборяпти... деган гаплар бўлди. Билмаганга солдим. 1991 йилдаёқ ишончимни қозонган Наби Аҳмедов, Барно Носиров каби звено бошлиқларига ерни узоқ муддатга биркитиб қўйдим

— Юнус ака, очиғини айтсам, Сизнинг натура деган атамангизни тушунмадим.

— Айтайлик, звено билан 20 тоннага шартнома тузганмиз. У эса аслида 30 тонна маҳсулот етиштиради. Бироқ сарасини бозорга опчиқиб, қолганини давлатга топширади. Келинг, сифатини қўятурайлик. Чунки маҳсулот харид нархи ошса, у ўзидан ҳал бўлади. Аммо бозорга чиқадиган маҳсулот миқдори умуман режага кирмайди. Бундай олганда ҳисоб-китобда йўқ. Биз ўша қисмини деҳқонга бепул беришга келишдик. Чунки шундай қилинса, ердан қанча ҳосил олганимиз аниқ бўлади. Деҳқон барибир оладиган ҳақини ҳалол-покиза расмийлаштиради.

6 гектарлик лимонзор бор. Хоҳласак-хоҳламасак, биз ердаишловчилар ҳар куни уйига бир-икки дона лимон олиб кетишади .Биз ҳар битта лимончи билан мавсум охирида ҳар бирига 100 килограммдан сара ҳосил беришга келишиб олдик. Э-ҳе, қанақа таъналарга қолдим текширувчилардан. Аммо ўғирлик камайди, ҳосилдорлик ошди. Маҳсулот ҳажми кейинги уч йилда 72 тоннага кўпайди. Бу йил натура ҳақини яна оширишни ўйлаб турибмиз.

— Айримлар бутун-бутун колхозларни ижарачиларга бўлиб беришди. Сизда-чи?

— Биласизми, бу масалада жудаям шошилмаслик керак. Масалан, ўтган йили 500 ижарачининг 100 нафари режани бажара олмади. Уларга: «Агар бу йил ҳам ер оламан десаларингиз, камомадни тўланглар», дедим.

— Мабодо, тўлашга қурбати етмаса-чи?

— Етади. Уларнинг шароитини беш қўлдай биламан. Фақат буёғини ўйламай, бозорга кўпроқ чиқариб юборган. Нима деб ўйлайсиз, бир ҳафтада ҳаммаси камомадни тўлаб қутилди. Умуман, бултурги ялпи даромад бир ярим миллиардга яқинлашиб қолди. Лимонзорнинг ўзи 500 миллион сўм даромад берди. Узумчиликдан бошқа ҳамма соҳада режалар ошириб бажарилди. Қишлоқларимизни тўла табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаганмиз.

Айтгандай, янги йилдан бошлаб ичимлик сувидан фойдаланганлик учун тўлов жорий қилдик. Бу нарса водопровод қувурларидан обҳаётнинг беҳуда оқиб ётиши ёки ичимлик сувидан техник мақсадларга фойдаланишнинг олдини олади.

— Юнус ака, фақат саволимни расмий ва анъанавий савол сифатида қабул қилмасангиз... Қанақа орзуларингиз бор?

— Одамларнинг бадавлат бўлишини истайман. Қани энди деҳқонлар шахсий боғчалар, мактаблар қуришса...

— Улар пулни қаердан олишади?

— Ўзлари ишлаб топишади. Биласизми, бу йилдан бошлаб биз ялпи даромаднинг 80 фоизини деҳқонларга маош сифатида бермоқчимиз. Ҳазилакам пул бўлмайди бу! Бундан ташқари, натура ҳақ олишади. Хўжалик бошқаруви эса воситачилик ёки ижарачиларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

У куни Сиёб бозорига бордим. Расталар ортида турган ҳамкишлоқларимни кўриб қувониб кетдим. Қани энди улар ўзлари етиштирган маҳсулотлари билан бошқа бозорларни ҳам обод қилиб ўтиришса...

Фармон ТОШЕВ суҳбатлашди.

янгиликлар воқеалар хабарлар

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

ОДАМЛАР ЯХШИЛАРГА ЭРГАШАДИ

Гулистон тикув-ишлаб чиқариш бирлашмасининг довруғи ҳақида кўпчилик эшитган бўлса ажаб эмас. Корхона жамоаси яқинда бирлашма ташкил топган кунининг 20 йиллигини кенг нишонлади. Шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудларда яшайдиган кўпгина қиз-жувонлар бирлашмага ишга киришни жуда-жуда орзу қилишади. Чунки бу ерда тикувчиларнинг ойлик маошлари юқори, шароитлари яхши. Жамоа аҳли бир-бири билан аҳил ва иноқ. Яхши пайтларда ҳам, турмушнинг оғир дамларида ҳам бир-бирларига доимо ҳамкор, ҳамфикрлар.

Корхонада ишчиларнинг бир-бирига шундай ишчанлик, самимийлик, ҳамдардлик, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини уйғотишда бошланғич партия ташкилотининг роли каттадир. Бошланғич партия ташкилотига Шоира Эшонхўжаева котиблик қилади. У киши корхонадагина эмас, балки шаҳримиздаги обрўли, тажрибали етакчилардан бири. Шу боис ҳам Шоира опа ХДП вилоят кенгаши ижроия бюросининг аъзоси этиб сайланганлар. У киши раҳбарлигида бошланғич партия ташкилотининг обрўйи ҳам, таъсир кучи ҳам анча ортди. Бу ерда партия йиғилишлари мунтазам равишда ўтиб туради, ишчилар ўзларининг турли муаммолари билан ўртоқлашишга, ёрдам олишга, маслаҳатлашишга биринчи галда партия ташкилоти котиби ҳузурига киришга ҳаракат қиладилар. Кейинги икки йил мобайнида бирлашманинг илғор ишчи ва хизматчиларидан 24 нафари ХДП сафига қабул қилинди.

Партия ташкилотининг обрўйини ошириш, фаоллигини кенгайтириш, ташкилотчилик ишларини ҳозирги давр талаблари даражасига олиб чиқиш йўлидаги хизматларини ҳисобга олиб, яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Шоира Эшонхўжаевани Фахрий ёрлиқ билан тақдирлади. У киши раҳбарлигида Гулистон тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти шаҳримиздаги энг йирик ташкилотлардан бирига айланди. Мазкур бирлашма бошланғич партия ташкилоти ҳамда унинг етакчиси ҳақида батафсил тўхталиб ўтаётганим йўқ. Қаерда етакчининг обрўйи юқори, билим доираси кенг, қалби инсонларга яқин бўлса — ўша ерда ишимизнинг ютуғини таъминлай олишимиз мумкин. Одамлар доимо яхшилар кетидан эргашадилар, уларга суянадилар, мадад оладилар ҳамда улар атрофига бирлашадилар. Буни биз ўз ҳаётимиз, тўпланаётган тажрибаларимиз мисолида кўраяпмиз. Кўпинча илғор тажрибалар, янгиликлар, ташаббуслар ҳам ана шундай жонкуяр ва изланувчан кишилар бош бўлган ташкилотларда пайдо бўлади ва кейинчалик улар кўпчиликнинг мулкига айланади.

Пётр Жилкин раҳбарлик қилаётган вилоят электр тармоқлари корхонаси бошланғич партия ташкилоти ҳақида ҳам юқоридаги каби самимий гапларни айтиш мумкин. П. Жилкин ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан. Корхона жамоаси олдида турган вазифалар оғир ва масъулиятли. Ана шундай бир вазиятда бошланғич партия ташкилоти унинг атрофига бирлашган партия аъзоларининг ниҳоятда ишга масъулиятли бўлиши, ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошуви фақат фойда келтиради. Бу ерда мунтазам равишда «Ҳаёт масалалари» номли деворий газета чиқариб борилади, партиямизнинг мафкуравий ишларига кенг ўрин берилади. Мазкур бошланғич партия ташкилотида тўпланаётган тажриба асосида бу ерда вилоят семинари ўтказилганлиги ҳам унинг нуфузи ошиб бораётганлигидан далолат. Ишловчилар сонининг у қадар кўп эмаслигига қарамай, ўтган йили мазкур ташкилотда 5 киши ХДП аъзолигига қабул қилинди.

Шаҳримизда юқоридаги каби бошланғич партия ташкилотларининг сони оз эмаслиги, улар орқали ташкилотларимиз нуфузи ортиб, сафлари кенгайиб, омма орасига кенгроқ сингиб бораётгани ҳар биримизни қувонтирибгина қолмай катта маъсулият ҳам юклайди.

Шаҳар партия ташкилотлари, унинг жойлардаги таянчлари бўлмиш бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг кундалик фаолиятларида партия сафларига янги аъзоларни қабул қилиш масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Зероки, бу — партия ташкилотининг куч-қуввати, таъсир кучини белгилайдиган, омма билан алоқасини мустаҳкамлаб, кўпчилик номидан иш юритишга имтиёз бера оладиган энг муҳим омиллардан бидир.

Ўтган йили шаҳар кинолаштириш идораси, 12-автобаза, сув йўлларидан фойдаланиш махсус механизациялашган кўчма колоннаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, шаҳар санъат билим юрти ва бошқа жойларда бошланғич партия ташкилотлари ташкил этилди. Шундай қилиб, шаҳардаги жами бошланғич ташкилотлар сони 87 тага етди. Ҳозир ана шу ташкилотлар атрофига 1331 ХДП аъзоси бирлашгандир. ХДПга аъзо бўлиб кираётганларнинг асосий қисми ёшлардир.

Ёшлар орасида иш олиб бориш, уларни партия сафига қабул қилиш борасида гап кетганда, шаҳримиздаги яна бир обрўли ва тажрибали партия ташкилотчиси Тамара Мусаевaнинг номини тилга олмай ўтолмаймиз. У киши Гулистон шаҳридаги Нодира номли педагогика билим юрти бошланғич партия ташкилотига раҳбарлик қиладди. Тамара опа деярли чорак асрдан бери жамоат ишларида фаол қатнашиб келади. Ана шу соҳадаги жонбозликларини ҳисобга олиб, яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши у кишини бир ойлик маоши миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирлади. Бошланғич ташкилот етакчисининг ҳаракатлари, жонбозлиги туфайли ўтган йили талабалардан 65 нафари ХДП сафига аъзо бўлиб кирди. Бу чиндан ҳам ибрат олса арзигулик мисолдир.

Вилоятимизда, шу жумладан бизнинг шаҳримизда ҳам республикада биринчилардан бўлиб ҳудудий партия ташкилотлари тузиш, улар фаолиятини жонлантиришга киришилган эди. Ўтган икки йиллик давр мобайнида бу борада ҳам ибратли тажрибалар тўпланди. Ҳозир шаҳримизда 41 та ҳудудий партия ташкилоти мавжуд. Шулардан 12 таси маҳалла оқсоқоллари кенгашлари қошида ташкил этилгандир. Бу эса бизларда доимо одамлар ҳолидан хабар олиб туриш, уларнинг интилишлари, дард ва ташвишларидан воқиф бўлиш имконини беради.

Биз бу йил ҳам камида 8 та маҳалла оқсоқоллари кенгаши қошида ҳудудий партия ташкилотини тузиш ниятидамиз. Шунингдек, шаҳримизда янги бошланғич партия ташкилотларини ташкил этамиз. Буларнинг бари партия ташкилотлари билан шаҳар ҳаётининг алоқасини янада мустаҳкамлайди. Шаҳар иқтисоди, маданияти, бошқа соҳалардаги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади. Яқинда матбуотда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси тўғрисидаги ҳужжати эълон қилинди. Бизлар ана шу ва партиямизнинг бошқа тегишли ҳужжатларини тарғиб қилиб, уларни кенг оммага етказиш, ҳаётга татбиқ этиш йўлида астойдил ишлаш ниятидамиз.

Жуманазар МАТҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси вилоятдаги йирик саноат корхоналаридан бири. Партия ташкилоти ҳам шунга яраша — ўз сафига 134 нафар Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларини бирлаштирган. Шу боисдан ҳам партия ташкилотининг бир йиллик ҳисоботига бағишланган йиғилиш корхона жамоасининг умумий йиғилишига айланиб кетди.

Фабрика бошланғич партия ташкилотининг котиби С. Норқулов ўз ҳисоботида иқтисодий рақамларга тўхталиб, ўтган йили ўсиш суръати 104,2 фоизни ташкил этганлигини қайд этди. Ишчиларни ижтимоий муҳофаза этишга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Корхона ихтиёридаги 157 та хонадондан 148 таси хусусийлаштирилди. Шундан 21 таси фахрийларга, ишлаб чиқариш пешқадамларига ва ночор оилаларга арзон баҳоларда сотилди. Янгидан 45 квартирали уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Корхонада иқтисодий қийинчиликларни енгиш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган.

Республика Президентининг иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш юзасида қабул қилган Фармони шарофати билан Қирғизистоннинг Бишкек ва Қозоғистоннинг Кустанай шаҳарларидаги ип-газлама корхоналари билан боғланиб, ярим жун иплар олиш имкони пайдо бўлди.

Бу ютуқларнинг ҳаммасида ХДП аъзоларининг баракали улушлари бор. Партия аъзолари меҳнатда пешқадамлик қилиб қолмасдан тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, янги қонунлар ва Президент фармонларини оммага етказишда фаол иштирок этишяпти. Дўстлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, интизомни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга ҳисса қўшмоқдалар.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Г. Субҳонова ХДП аъзолигига янгидан қабул қилинган 9 кишига аъзолик билетларини топширди ва нутқ сўзлади.

Бахтиёр РИЗАЕВ.

• *Қандай яшаяпсиз, партиядошлар?*

ИНТИЗОМ ҲАММАГА БАРОБАР

Халқ демократик партияси кенгашлари билан ҳокимликлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик туман, шаҳарларда ўзининг қувончли натижаларини бермоқда. Буни Тайлоқ туманида ҳам кўриш мумкин. Шу боис ЎзХДП туман кенгашининг навбатдаги пленумида бу ҳақда алоҳида сўз юритилди.

Биз Халқ демократик партиясини ўзимизга энг яқин ҳамкор, ҳамнафас деб биламиз, — деди туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Мўмин Шерқулов. — Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда партия кенгаши ижроия бюроси фикрини инобатга оламиз. Ўз ўрнида партия ҳам иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда бизга ҳар томонлама яқиндан ёрдам бермоқда. Ислоҳотнинг мазмун-моҳиятини, Президентимиз олиб бораётган доно сиёсатни халқимизга қатъийлик ва изчиллик билан тушунтирмоқда.

Пленумда туман кенгаши биринчи котиби Собир Қодиров кенгашнинг бир йиллик фаолияти ҳақида маъруза қилди. Маърузачи ижроия бюрода кўрилган йирик масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, раҳбар партия аъзоларининг ҳисоботларини эшитиб бориш анъанага айланди. Партия аъзолари — қурилиш идораси бошлиғи М. Миржамолов, туман соғлиқни сақлаш бўлими бош ҳакими Наим Файзиев ҳисоботлари, айниқса, сермазмун бўлди. Энг муҳими, улар бошлиқ жамоаларда оммавий-сиёсий, тарбиявий, партиявий ишлар таъсири кучайди.

Ижроия бюро жойларда олиб борилаётган ҳайрли ҳаракатларни ўрганиш ва уларни кенг ёйишга ҳам алоҳида эътиборни қаратди. Мисол учун Саидназаров номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг аҳоли ўртасидаги оммавий-сиёсий, ташкилий ишлари чуқур ўрганиб, маъқулланди ва кенг тарғиб этилди.

— Партия мураккаб ташкилий шароитдан ўтди, — деди пленумда сўзга чиққан вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Йўлдош Суюнов. — Халққа ўз сиёсатининг тўғри ва оммавий эканлигини кўрсата олди. Демак, биз эндиликда партия ички интизомини бузадиган ҳар қандай сафдошимизга кескин чораларни қўллашимиз зарур. Ҳар бир бошланғич ташкилотда аъзолик бадалларини тўлашдан тортиб, юқори идораларга маълумот беришгача бўлган барча ҳаракатларда қатъий тартиб ўрнатиш лозим. Интизом ҳамма учун баробар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

ХДП Чироқчи тумани кенгаши Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси билан ҳамкорликда ёшларга доир сиёсатни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида муайян ишларни амалга оширмоқда. Икки томонлама ўзаро ҳамкорлик туфайли йигит-қизларнинг сиёсий ва маънавий тарбиясига, уларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор берилмоқда.

Кейинги пайтда Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси биринчи котиби Тоҳир Шаймановнинг тадбиркорлиги туфайли ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказиляпти, санъаткорлар кўриги, ижодкор зиёлилар, олимлар билан маърокли ва мазмунли учрашувлар ташкил этиляпти. Йигит-қизлар бозор муносабатларига доир муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқдалар. Деҳқон хўжаликлари, кичик корхоналар, турли ихтисосдаги ишлаб чиқариш цехлари барпо қилмоқдалар.

Яқинда ХДП Қашқадарё вилояти кенгаши ижроия бюроси йиғилишида Чироқчи тумани партия кенгаши ва Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг ёшларга оид сиёсатни амалга оширишдаги ҳамкорлиги масаласи кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича район партия кенгашининг биринчи котиби Ш. Тоғаев ахбороти эшитилди.

Ижроия бюро шу соҳада эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларни ҳам таъкидлаб ўтди. Хусусан, туманда, ёшларни ишчи ўринлари билан таъминлаш муаммо бўлиб қолмоқда. Бир неча юз йигит-қиз ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилмаганлиги тилга олинди. Ёшларни касбга йўналтириш ишлари ҳам талабга жавоб бермайди. Бюро йиғилиши туман партия кенгашига Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси билан ҳамкорликни кучайтириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Мусо КАРОМОВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Янгийўл туманида яна бир янги кичик корхона иш бошлади. Бу «Азкон» тижорат бизнес ишлаб чиқариш маркази ташкил этган еттинчи мўъжаз цехдир. Марказ ишбилармонлари А. Ортиқов номли жамоа хўжалигидан битказилмай ётган комбинат биносини ижарага сотиб олиб, бу ерда қисқа муддат ичида тикув-тўқув ускуналарини ўрнатдилар. Ҳозирча мўъжаз корхонада республикада тақчил бўлган маҳсулот — пайпоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Цех айни кунларда икки сменада фаолият кўрсатяпти. Бу ерда асосан шу атрофдаги қишлоқларда яшовчи хотин-қизлар меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: пайпоқ ишлаб чиқариш цехида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

• *Бизнинг шарҳ*

ПАРЛАМЕНТ—ЮРТНИНГ КЎЗГУСИ

Мустақилликка эришганимиздан кейин кўпгина муҳим ва ҳаётий масалаларни ўзимиз баҳамжиҳат ҳал этадиган бўлдик. Мустақилликдан олдинги сессияларга қараганда, мустақилликка эришганимиздан кейинги ўтаётган сессияларимиз аввалгиларидан маълум жиҳатлари билан фарқ қилади. Агар илгарилари «Марказ» имо-ишорасига кўз тикиб, кўп масалаларда юрак ютиб турган бўлсак, энди етилган муаммолар ечимини ўзимиз топаяпмиз, халқимиз тили ва дилидагини мажлисларга олиб чиқиб, муҳокама қилаяпмиз. Қонунларимизни жаҳон ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига етказяпмиз.

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIV сессиясида ҳаммамиз учун ғоят муҳим бўлган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун якдиллик билан қабул қилинди. Мен журналист сифатида ана шу сессияда қатнашдим. Сессия ишига самимий руҳ бағишлаган куч — бу Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг халқчил ва қалб оташи билан суғорилган ёркин нутқи бўлди. Ҳам халқ билан, ҳам халқ ноиблари билан очиқ мулоқот шаклида юксак минбардан янграган сермазмун нутқ бугунги жуда кўп етилган саволларга жавоб берди ва халқимиз ҳамда унинг вакилларига келгусида эзгу ишлари учун ойдин йўл-йўриқлар кўрсатди. Ўз юртбошиси атрофига жипслашган халқ ва унинг ноиблари ўз мамлакатида ҳамиша барқарор тинчлик-осойишталикни таъминлашини ва ҳар қандай масалани баҳамжиҳат, уюшқоқлик ва оқилона йўл билан ҳал этишини дилдилдан ҳис этасан. Шукрлар бўлсинким, элимиз тинч, хотиржам, ҳамма ўз ишини билиб-билиб қиляпти. Ахир, баъзи мустақил ҳамдўстлик давлатлари, шу жумладан Россиядаги бесаранжомликларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз-ку! Юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бу — Президентимиз, ҳукуматимиз ва Олий Кенгаш билан халқ бирлиги, жипслиги шарофати, албатта.

Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул этилгандан сўнг у бутун сайлов тизимимизни сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан тубдан янгилаш ва ислоҳ қилиш масаласини кун тартибига қўйди. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият — Олий Мажлис депутатларини сайлашнинг ҳуқуқий асослари сессияда қабул этилган Қонунда ойдин кўрсатиб берилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, улуғ бобомиз Амир Темур «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади», деган сўзларни тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёздирган эди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир.

Жаҳон замонавий Конституцияларини тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз Асосий Қонуни сифат мезонлари пишиқ-пухта ишлаб чиқилганлиги ҳаммамизга аён. Асосий Қонунимиз ўзимизга хос ва мос, мустақиллигимизни ҳуқуқий мустаҳкамлайдиган ва фуқаролар ҳоҳиш-иродасини ифодалайдиган моддалар мажмуидан иборат.

Эндиликда «Олий Мажлис» атамаси мамлакатимиз парламентининг янгиси, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, қонунчилик фаолиятининг бундан кейинги ривожи ана шу қонунга боғлиқлиги барчага аён.

Аввало, Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган икки юз эллик нафар депутатдан иборат бўлади. Маълумки, лойиҳада юз эллик депутат сайланиши кўзда тутилган эди. Бунда илгариги беш юз ўрнига депутатлар сони уч баравар га камайиб кетган бўлур эди. Халқ ноибларининг таклифлари инобатга олиниб, депутатлар сони уч баравар га эмас, тенг ярмига камайди. Демак, янги парламентимизда икки юз эллик депутат иш олиб боради.

Яна бир янгилик шуки, лойиҳанинг 49-моддасида агар муайян сиёсий партия кўрсатган жами депутатликка номзодлар сайловларда тўплаган умумий овоз Ўзбекистон Республикасининг овоз беришда иштирок этган барча сайловчилар овозининг 8 фоизидан кам бўлса, Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олинмаслиги айтилган эди. Халқ ноибларининг Қонун лойиҳасини муҳокама сагина, тараққиётимизни янгилашга хизмат қилса, ўз замонимиз, миллий анъаналаримиз, халқимизнинг азалий эҳтиёжларидан келиб чиққан бўлса, бундай Қонуннинг умри боқий.

Мустақиллигимиз эндигина 3-йилга қадам қўйди. Бундан аввалги даврларда депутатлар иззат-икроми жойига қўйилган бўлса ҳам улар масалаларни ҳал қилишда оз иштирок этишар, кўп ҳолларда масаланинг моҳиятига чуқур тушуниб етмай, қўл кўтариб тасдиқлар эдилар. Мустақил Ўзбекистонимизда сайлов ҳуқуқининг тубдан ислоҳ қилиниши мамлакатимиз ҳаётида жуда катта тарихий воқеадир. Республикамизда биринчи марта сайловлар кўп партиявийлик асосида ўтказилади. Партиялар тор манфаатларини эмас, балки бутун халқ манфаатларини кўзлаши биз учун айни муддаодир. Шунинг учун ҳам Қонуннинг 23-моддасида «Олий Мажлис депутатлигига номзодларга қўйиладиган талаблар» деб номланган янги модда қўшилди. Унда айтилишича, ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар. Кўриниб турибдики, бу ҳам адолатдандир. Бунда умумхалқ манфаатларини кўзда тутувчи муҳим қарорлар ва қонунлар қабул қилиш чоғида парламент ноибларининг холис ниятда бўлишлиги кўзда тутилган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сайловларга тайёргарлик ишларини барча сайлов округларида ҳудудий партия ташкилотларини тузишдан бошлаш кераклигини, ана шундай партия ташкилотлари ҳар бир сайлов округида, ҳар бир маҳалла, мавзе ва турар жойларда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқ деб белгилади. Негаки, ҳаққоний таъкидлаб ўтилганидек, сайлов кампанияси даврида ХДП сиёсий ишларининг асосий оғирлиги ана шу партия тузилмалари зиммасига тушади. Ўзбекистон тарихида парламентга биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтказиладиган бўлажак сайловлар кескин сиёсий кураш шароитида ўтишини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Жойларда бу ишлар бошлаб юборилгани кишини қувонтирди. Масалан, Ўзбекистон ХДП Қўқон шаҳар Кенгаши ва бошқа жойларда сайлов участкаларида ишни жонлантириш учун ХДП бошланғич ташкилотлари тузилмоқда, баъзиларида эса ,иш услублари такомиллаштирилмоқда, сиёсий-тарбиявий ишлар пухта йўлга қўйилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, янги сайлов Қонуни бу — бизнинг ўз Қонунимиздир. У умри боқий Қонундир. Ҳар бир фуқаро: «Бу — бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қиладиган парламентимиз» дея фахр ва ғурур билан айта олади!

Ҳамид ИКРОМОВ,
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлимининг мудири.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ЧЕХИЯ ПРЕЗИДЕНТИГА ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

ДЕҲЛИ. Чехия Президенти Вацлав Гавелнинг Ҳиндистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Ташриф давомида Чехия раҳбари Ҳиндистон Президенти Шанкар Даял Шарма ва Бош вазир Нарасимха Рао билан икки томонлама муносабатларнинг янги режаларини муҳокама қилди. РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Чехия Президенти В. Гавелга Индира Ганди номидаги халқаро тинчлик мукофоти топширилган.

ТЕМИР ЙЎЛНИНГ ОЧИЛИШИ ЯНА КЕЧИКТИРИЛДИ

ПАРИЖ. Ла-Манш бўғози остидан ўтган ҳамда Франция ва Буюк Британияни бир-бирига боғлайдиган темир йўлнинг очилиши яна маълум муддатга кечиктирилди.

«Аср қурилиши» деб аталган темир йўлни бунёд этган «Евротуннель» компаниясининг хабарига кўра, баъзи бир зарур асбоб-ускуналарнинг ўз вақтида келтирилмагани ва махсус синов ўтказилмагани бунга сабаб бўлган. Шунингдек, компаниянинг шу йил 7 мартдан юк, 8 майдан йўловчилар ташиш режаси ҳам кейинга сурилди.

ХИТОЙЛИКЛАР ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ОШИБ БОРМОҚДА

ПЕКИН. Хитой тадқиқот маркази натижаларига кўра, мамлакатнинг бу йилги истеъмол бозорида рангли телевизорлар, совутгич, видеокамера, компьютер, автомобиль ва замонавий телефонлар харидоргир бўлади.

60-йилларда велосипед, қўл соати ва тикув машинаси, 70-йилларда телевизор, кир ювиш машинаси ва музлатгичлар бозоргир мол ҳисобланган бўлса, эндиликда аҳолининг кўпчилик қисми уй, машина сотиб олиш, уй жиҳозларини янгилаш фикрини билдирмоқда. Демак, Хитой халқининг турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда, деб хабар беради «Чжунго Циннянь Бао» газетаси.

АНЪАНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОКИО. Анъанага кўра, Япония мнллий парламентининг навбатдаги 129-сессияси император Ахитонинг кириш сўзи билан бошланди.

Сиёсий, иқтисодий ва молиявий масалаларни атрофлича муҳокама қилишни режалаштирган навбатдаги сессия 150 кун давом этади, деб хабар беради Японияниинг Дзидзи Цусин ахборот маҳкамаси.

ИШ ТАШЛАШ НАРХЛАРНИ КАМАЙТИРДИ

СИНГАПУР. Филиппинда нархларнинг кескин ошиб кетиши натижасида иш ташлашлар кўпайиб кетди. Айниқса, нефть маҳсулотлари нархининг оширилиши кўпгина касаба уюшмалари марказларининг кескин норозилигига сабаб бўлди.

Марказлар ташаббуси билан умумхалқ иш ташлаши уюштирилди. Филиппин Президенти Фидел Рамос мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадида бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари нархини 28 фоизга камайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарор ҳукуматга 43 миллион доллар миқдорида зарар келтиради, деб хабар беради Филиппин ахборот маҳкамаси.

Германия Федератив Республикасида ёшларнинг она тилига бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Айниқса, никита немис давлати бирлашгандан кейин тилга қизиқиш янада кучайди. Бу ерда қирқ йилдан кейин Гёте номидаги тиллар институти қайтадан фаолият кўрсата бошлади.

СУРАТДА: талабалар немис тилини ўрганишяпти.

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

ВАШИНГТОН. Расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларига келган Япония ташқи ишлар вазири Цутому Хата АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер билан учрашди.

Учрашувда савдо-иқтисодий, телекоммуникация, тиббиёт соҳаларидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳақида фикрлашилди. Япония Бош вазири М. Хосокаванинг Америкага ташрифи бу борада катта имкониятлар яратади, деди Ц. Хата, Ассошиэйтед Пресс ахборот маҳкамаси мухбирига.

РАСМИЙ ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

ЛОНДОН. Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжорнинг Россияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Ташриф чоғида Россиядаги ҳозирги аҳвол, сиёсий, иқтисодий масалалар ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари муҳокама қилинди, деб хабар беради РЕЙТЕР ахборот маҳкамаси.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўз номаларидан олинди).

• *Қарор ва ҳаёт*

ТЕРАКЗОРЛАР БУНЁД ЭТИЛАДИ

Ота-боболаримиз оилада ўғил туғилса, яхши ният билан қирқ туп терак ўтқазар экан. Зеро, бугун дунёга келган гўдак, бошингиздаги дўппи бир марта айлангунча, йигит бўлади, оила қуради. Энди уни уйли-жойли қилмоқ ташвиши бошланади. Бояги одат ана шу эҳтиёж туфайли туғилган бўлса, ажаб эмас. Шу бонс, қадимда ҳеч ким давлат уй беради, деб йиллаб навбат кутмаган, балки бир оз йиғиниб, ота-онаси, оға-инилари, қолаверса маҳалла-кўй кўмагида иморат тиклаб олган.

Очиғи, илгари Сибир ўрмонларидан келадиган вагон-вагон ёғочларга кўзимиз ўрганиб қолган. Ўрмонларнинг поёнсизлигига маҳлиё бўлиб, бу ёғоч оқимининг ҳам охири йўқдек туюлди бизга. Оқибатда ўрмонлар барпо этишга, ўзимизда ёғоч етиштиришга кераклн даражада эътибор берилмади. Собиқ Иттифоқдош республикалар ўртасидаги хўжалик алоқаларида узилишлар рўй бериб турган, бирбирига маблағ ўтказиш мураккаблашган ҳозирги шароитда эса ёғоч тақчиллиги муаммоси юзага қалқиб чиқди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов яқинда имзолаган қарорда ана шу муаммони ҳал этиш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Унда халқ хўжалиги ва аҳолининг ёғоч-тахтага бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ҳамда Ўзбекистоннинг табиий-иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

Қарорда 1994 — 2003 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, вазирлик ва идораларга фойдаланиш учун ноқулай, унумдорлиги паст бўлган суғориладиган ерларда катта-катта теракзор, қарағайзор ва ёнғоқзорлар барпо этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ва Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги зиммасига корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли ана шу топшириқни бажариши учун етарли миқдорда терак ва бошқа ёғочбоп дарахт кўчатлари етказиб бериш вазифаси юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашига, вилоят ва туман ҳокимликларига белгиланган топшириқларни бажариш юзасидан ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш, бир ой муддатда дарахтзорлар барпо этувчи, уларни парвариш қилувчи, пайҳон бўлиш, касаллик ва зараркунандалардан муҳофаза этувчи ихтисослаштирилган бўлинмалар ташкил этиш, шу йил баҳоридан бошлаб ҳамма жойда терак ва бошқа тез ўсувчи дарахт кўчатлари экиш вазифаси топширилди.

Қарорда, шунингдек, тегишли қўмита, бирлашма ва ташкилотларга мазкур топшириқни амалга ошириш мақсадида норматив-услубий ҳужжатларни етказиб бериш, қўшимча техника, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, химикатлар билан таъминлаш, кўчатзорлар зарур барпо этишга, уларда зарур агротехника тадбирлари ўтказишга керакли маблағларни ажратиш лозимлиги таъкидланган.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори яна бир соҳа — ёғочсозлик ва қурилиш саноатида мустақилликка эришув йўлидаги муҳим дастурдир. Энди ҳамма гап уни амалга оширишга боғлиқ. Илгари ҳам кўчат ўтқазиш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ойликлари кўп ўтказилар, лекин кейинчалик ҳеч ким ўтқазилган ниҳоллар ҳолидан хабар олмас эди. Бугун эса бу иш давлат миқёсидаги масала даражасига кўтарилди. Демак, қарорда зикр этилган топшириқларни бажариш юзасидан назорат ҳам шунга яраша бўлиши даркор.

Биз, кўпинча, фармон ёки қарор чиқибди, дейилса, бу катта-катта идораларга тегишли гап бўлса керак, деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, қабул қилинган ҳар қандай ҳужжат, модомики, шу давлат фуқаролари эканмиз, муайян маънода албатта сиз билан бизга ҳам дахлдор бўлади. Хусусан, қарорда «Бу ишни амалга оширишда ҳамманинг иштирок этиши муҳимлиги, каналлар, суғориш иншоотлари, коллекторлар, йўл ёқаларига терак экиш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш» тавсия этилади.

Мамлакатимизда уйғониш айёми — Наврўзга тайёргарлик бошланмоқда. Бизда байрам олдидан кўча-кўйларни, маҳаллаю ҳовлиларни саранжомлаш, ҳашарлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Ана шундай пайтда, бу масалани давлат ҳал этар экан, деб ўтирмай, ариқ бўйларига, дала ҳовли четларига — имкони бўлган ҳамма жойга баҳоли қудрат кўчат қадашни унутмайлик.

Аҳмад ХЎЖА,
ЎзА шарҳловчиси.

Суратқаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

КЎЧАТ ЭККАН ҚУДАЛАР

Қадимда Бухорода фарзанд дунёга келса, албатта, унга атаб 24 дона терак дарахти ўтқазиш удум бўлган. Бола улғайиши билан тераклар ҳам вояга етган. Янги оила учун янги уй керак-ку! Шунда ана шу мирзатераклар асқотган.

Йиллар ўтиши билан бу удум унутила борди. Чунки, Россиядан арзонга келаётган ёғочдан ўтин сифатида ҳам фойдаланилди. Шу-шу ота-бобомиздан мерос бўлган терак экиш анъанаси кўпчиликнинг хотирасидан ўчди.

Халқимизда ниманки хор қилинса, уволи албатта тутади, деган нақл бор. Аввало собиқ Иттифоқнинг тўзимли жумҳуриятлар мустақиллигини қўлга киритиши, бозор муносабатларига ўтиш — ҳамма-ҳаммаси халқимизнинг ёғочга бўлган талабини қондиришда маълум муаммоларни келтириб чиқарди. Бор товоғим, кел товоғимга путур етди.

Халқимиз Президентимиз Фармони туфайли уй-жой қуриш учун ерга эга бўлди. Лекин, қурилишда ишлатиладиган бинокорлик материалларининг нархи осмонда. Бир кубометр тахта ёки бир дона ёғочнинг нархини эшитсангиз, лабингизга учуқ тошади. Хўш, нима қилиш керак?

Бухороликлар бу саволга жавоб топдилар: теракзорлар барпо этиш керак. Бу ҳақда энг аввало бир гуруҳ фахрийлар вилоят аҳолисига қарата маҳаллий матбуотда очиқ хат билан мурожаат қилдилар.

Аввало, терак ҳақида икки оғиз сўз: терак дарахтлар орасида энг баланд бўйлиси, тез ривожланади. Вилоятда теракнинг кўк терак, мирза терак, бақа терак, Канада тераги деган навларини ўстириш мумкин. Бу навлар Бухоро иқлимига мос бўлибгина қолмай, балки зараркунандаларга ҳам чидамлидир.

Мутахассисларнинг фикрича, вилоятнинг Қоракўл, Жондор, Пешку, Шофиркон туманларида анчадан буён бободеҳқонлар терак ўстириб келаётирлар. Хусусан, Қоракўлда терак етиштириш ташаббуси бошланганига анча бўлди. Туман ўрмончилик хўжалигида аҳоли томорқаси атрофида, йўл четкаларида тераклар барқ уриб ўсаётгани фикримизнинг далилидир.

Яқинда Ғиждувон туманидаги «Пахтаобод» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Арабхона қишлоғига Қўқондан келин тушди. Қизиғи шундаки, қўқонлик қудалар қизи тушган хонадон атрофига олиб келган 24 туп терак қаламчаларидан ўтқазиб кетишди. Бу бўлғуси невaралар учун аталган мерос дейилди. Арабхоналиклар бундай ҳаракатдан ўзларига келиб баҳорда оммавий равишда терак экишга жазм қилишибди.

Теракзорлар қурилишбоп ёғоч бўлибгина қолмай, балки атроф-муҳитни мусаффо этувчи восита ҳамдир. Ҳозир вилоят ўрмон хўжаликларида 15 гектар, Жондор туманидаги «Зарафшон» ва Гагарин номли жамоа хўжаликларида 6 гектар теракзор мавжуд. Бу билан ёғоч муаммосини тўла ҳал қилиб бўлмайди, албатта. Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ю. Қурбоновнинг таъкидлашича, бошқарма ниҳолчилик бўлимида айни пайтда 238 минг дона кўчат тайёрланмоқда. Агар гектар ҳисобига ўртача 6,2 минг дона кўчат ўтқазилса, яқин ўртада теракзорлар яна 40 гектарга кенгаяди.

Бундан ташқари бошқа имкониятлар ҳам бор. Биргина ўрмон хўжаликларидаги ҳамда Жондор туманидаги икки жамоа хўжалигида эрта баҳордан бошлаб 2,7—3 миллион дона терак қаламчалари тайёрланиши мўлжалланган. Бунинг устига вилоят аҳолиси Наврўзга атаб ариқ ва томорқа ерларига яна 2 миллион дона терак қаламчалари ўтқазиш имкониятига эга. Шундай қилиб, баҳорда бухороликлар 4,2—5 миллион дона қаламча тайёрлашса, бу вилоятдаги ҳар бир хўжаликка 30—32 минг донадан тўғри келади.

Терак асосан 8—9 йилда вояга етади. Ундан учинчи, тўртинчи йилдаёқ ҳодага олиш мумкин. Аввалги йиллар вилоятдаги барча қурилиш ташкилотлари ҳамда аҳоли эҳтиёжи учун 1,5—1,7 миллион кубметр атрофида ёғот-тахта кетган. Ана шунча миқдордаги ёғочга эга бўлиш учун вилоятда барча имконият бор. У ҳам бўлса бор-йўғи 3—3,5 минг гектар ерга терак қаламчаси ўтқазилса, бас. Ҳар гектар теракзор 500—550 куб-метр ёғоч ва ёғочбоп хом ашё бериши аниқ.

Ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятда ҳар йили минг гектар теракзор ташкил этилса борми, 2000 йилга бориб аҳолининг қурилишда ишлатиладиган ёғочга бўлган талаби тўла қондирилишига шубҳа йўқ экан. Бунга эришишга ҳисса қўшиш учун Олот тумани ҳокимлиги давлат ўрмон фонди ерида 1000 гектарлик махсус терак ўстирадиган, алоҳида ихтисослаштириладиган хўжалик тузишга қарор қилгани диққатга молик ишдир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: ҳа, бухороликлар ҳар бир оила ҳисобига 25 та терак кўчати ёки қаламчаси ўстириш ташаббусини бошлаб, савобли ишга қўл урдилар. Бу жумҳурият миқёсида қўллаб-қувватланса, нур устига аъло нур бўларди. Ахир, республикамизда ҳар куни минглаб янги оилалар пайдо бўляпти. Улар шарафига терак ёки бошқа дарахт кўчатлари экилса, қисқа даврда қийинчиликлар ортда қолади. Фақат бунга эътибор, аниқроғи ҳафсала керак. Келинг, юртимизда теракзорлар кўпайсин. Улар бугун янада керак!

• *Янгиликлар, воқеалар, шарҳлар*

● ТАБИАТ ВА ИНСОН

БАҲОРИСТОН ҚЎРИҚХОНАСИ

ҚАШҚАДАРЁ (вилоят мухбиридан). Баҳористон туманидаги уч минг гектарлик майдонда янги қўриқхона барпо этилмоқда. Хайрли иш учун табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси ташаббуси билан 40 миллион сўм ажратилди.

Қадимда қўшни Туркманистон республикаси ва Бухоро вилояти ерлари билан туташиб кетган Баҳористон яйловларида жайрон, ёввойи эчки, тустовуқ каби ҳайвон ва паррандалар кўплар топиларди. Эътиборсизлик оқибатида уларнинг аксарияти бугунги кунда, ноёб бўлиб қолган. Ҳайвонот оламининг қадрига етмаган баъзи тартиббузарлар эса ҳатто ноёб қушларни ҳам отиб юборганлар.

— Қўриқхона барпо этишдан мақсад, — дейди табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси раиси Пирмамат Сувонов, — кейинги вақтларда тобора камайиб бораётган жайронларни қўпайтириш, сақлаш, тустовуқ каби қушларни асрашдан иборат. Бундан ташқари, бу ерда ёввойи ҳайвонларни илмий ўрганиш ҳам йўлга қўйилади.

Мусо КАРОМОВ.

● ҚУЛАЙЛИК

НОН ВА КИЙИМ-КЕЧАКЛАР

ЖИЗЗАХ (вилоят мухбиридан). Қўриқ Зафаробод туманида саноат шакллантмоқда.

Туман марказида кунига етти хилдаги 2,5 тонна нон маҳсулоти тайёрлаш қувватига эга бўлган завод ишга туширилди. Энди одамлар Жиззах ва Пахтакор шаҳарларидан нон келтирилишини кутиб ўтирмайдиган бўлишди. Болалар, аёл ва эркакларнинг кийимлари тайёрланадиган корхона эса 30 нафар хотинқизни иш билан таъминлашга имкон берди. Украинадан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган бу корхонанинг дастлабки маҳсулотлари сифатлилиги билан эътиборни тортмоқда. Шунингдек, тумандаги Собир Раҳимов номли ижара-ширкат хўжалиги ҳузурида бунёд этилган ғишт заводи ҳам дастлабки маҳсулотларни беришга шайлаб қўйилган. Корхона ишга туширилгач зафарободликлар кунига 5 миллион дона пишиқ ғиштни шу ернинг ўзида харид қилиш имкониятига эга бўлишади.

Бахтиёр РИЗАЕВ.

● МИННАТДОРЧИЛИК

ОТАХОНЛАР ДУО ҚИЛИШМОҚДА

ТОШКЕНТ. Юнусобод мавзесининг 19-даҳасида кўп қаватли бир бино бор. Бу ерга шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасига қарашли «Отахонлар оромгоҳи» жойлашган.

230 ўринли бу масканда кексалик гаштини сураётган табаррук отахону мунис онахонлар саломатликларини тикламоқдалар. Бир ва икки кишилик шинам хоналарда ҳордиқ чиқариш учун шароитлар муҳайё. Ширин сўз шифокору ҳамшираларимиз атрофида парвона. Айниқса, шифокорлардан Шоира Исматуллаева, ҳамширалар Ўлмас Юнусова, Соҳиба Аҳаджонова, Зарифа Қосимова, Шоҳиста Умаровалар хизматидан барча миннатдор. Бу ерда кўнгилочар гурунглар, кечалар ва концертлар уюштириб турилади. Хусусан, таниқли ҳофиз Ҳасан Ражабийнинг мақом йўналишидаги қўшиқларидан роҳат қилган бўлсак, ҳушовоз хонанда Хайрулла Лутфуллаев хонишлари кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Ўзига хос қийин шароитда биз кексалар кўнглини овлаб, соғлиғимизни мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган савобли ишлардан таскин топиб, юртимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган камарбасталарни чин дилдан дуо қилмоқдамиз.

Қобилжон ЗОКИРОВ.

Дўстлик туманидаги «Манас» жамоа хўжалигида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилган. Бу ерда шу бонс чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга сотиш кўпайиб бормоқда.

Очиғи чорвачиликда суяги меҳнатда қотган фермерлар тажрибаси бугун ҳам жуда қўл келяпти. Мана, Раҳмат ака Ғаффоровни олайлик. У эсини танибдики, шу соҳада ишлайди. Ҳозир у бошчилик қилаётган фермада 1200 бош қорамол бор. Соғин сигирлардан 2600 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиняпти. Айни пайтда қишловдан беталофат чиқиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

СУРАТДА: «Манас» хўжалиги ферма мудири Раҳмат Ғаффоров.

Суратқаш А. МАМАДАМИНОВ.

«АДИДАС»ДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Сурхондарёдаги Шўрчи туманида сўнгги йилларда саноат тез суръатлар билан тараққий этмоқда. Кейинги бир ярим йил ичида бу ерда макарон цехи, юмшоқ мебель фабрикаси, аккумулятор цехи, атлас тўқиш фабрикаси, пойабзал тикиш цехи қурилиб ишга туширилди.

Айни пайтда спорт кийимлари фабрикаси, туркнялик қардошлар билан ҳамкорликда йилига 4,5 минг тонна толани йигирадиган фабрика, алюминдан буюмлар ишлаб чиқарадиган завод, гилам фабрикаси қурилиши жадаллик билан давом этаётир.

Яқинда туман марказидан хушхабар тарапди. Қурилиши бундан уч йил бурун, яъни 1991 йилда бошланган Ўзбекистон — Англия ва Югославия ҳамкорлигида бунёд этилаётган корхонада қурилиш ишлари ниҳоясига етди.

Ушбу «Азвест — экспресс» қўшма корхонаси тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 5600 дона кроссовка ишлаб чиқарилади. Ҳозирча унинг биринчи навбати йилига 2 мингта пойабзал етказиб беради. Фабрикада тайёрланадиган кроссовкалар ўзининг ташқи кўриниши ва пишиқлиги жиҳатидан машҳур «Адидас» фирмаси маҳсулотидан қолишмайди.

Президентимиз Ислом Каримов қишлоққа саноатни келтириш масаласини жуда тўғри қўйдилар, — дейди биз билан суҳбатда қўшма корхона директори Турдиали Умаров. — Мен аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг пишиқпухта ва чиройли пойабзалга бўлган катта эҳтиёжини қондириш мақсадида бир неча бор Югославияда бўлдим. У ерда бир ишбилармон йигит билан танишиб қолдим. Дўстлашиб кетдик. У Англиядаги пойабзал фирмасининг эгаси экан. Суҳбатлар чоғида қўшма корхона очишга келишиб олдик. Бир неча муддат ўтгач, хориждан ускуналар келди. Шу тариқа қўшма корхонамиз бунёд бўлди. Яқин кунларда дастлабки маҳсулотларимиз харидорлар қўлига тегади.

Баҳром РИХСИЕВ,
жамоатчи мухбир.

• *Иқтисодчи минбари*

БУГУН—ИСЛОҲОТ ДАВРИ

Жумҳуриятимиз сиёсий мустақилликка эришди ва бу йўлда илдам қадам қўйиб бормоқда. Аммо ҳар томонлама тўлиқ мустақилликка эришиш учун иқтисодий мустақилликка эга бўлиш ва уни мустаҳкамлаш зарурдир.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Кенгаши сессияларидан бирида сўзлаган нутқида республика иқтисодий дастурининг моҳиятини ташкил этувчи энг асосий устивор йўналишлар устида тўхталиб: «...бозор муносабатларига ўтиш иқтисодий дастуримизнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бизнинг принципларга мувофиқ, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш керак. Аввалambor, ўзини оқламаган маъмурий-буйруқбозлик бошқарув принципларидан, ўта марказлашган тақсимлаш системасидан, шаклланган боқимандалик психологиясидан қатъиян воз кечиш лозим», дея жуда тўғри таъкидлади.

Бозор муносабатларини шакллантириш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради, фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республикамизни гоят катта бойликларидан оқилона, самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Ҳозирги даврда жумҳуриятимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот бошқариладиган бозорни барпо этишга, яъни ривожланган бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган. Тарихан ғарб мамлакатлари тажрибасига эътибор қилсак, Олмония, Франция, Англия, Японияда бу жараён ўз ичига 45-50 йиллик даврни олган.

Бозор иқтисодиётини шакллантиришда биринчи энг муҳим масала — мулкчилик соҳасидаги ислоҳотни охирига етказиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни ўз эгасига топшириш ва акционерлик, жамоа ҳамда кооператив мулк шаклларига айлантириш, қисқача қилиб айтганда турли хил мулк шаклларини вужудга келтирмоқдир.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Президентимизнинг яқинда эълон қилган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони айни муддао бўлди. Чунки, бу ҳужжат республикада иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини авж олдиришга кўмаклашади.

Бозор иқтисодиётининг иккинчи устуни — эркин соҳибкорлик, мустақил ишбилармонлик билан иш юритишдир. Бу борадаги қабул қилинган айрим қоида, қарор, ва буйруқ баъзан бир-бирига зид, бири иккинчисини инкор қилади. Баъзилари зудлик билан такомиллашувини талаб қилади, баъзиларида эса маҳаллий шароит ҳисобга олинмаган. Шунинг учун ҳам улар бозор иқтисодиётини тезроқ шакллантиришга кенг йўл бермасдан унга тўсиқ бўлмоқда.

Бозор иқтисодиётининг асосий устуни бўлмиш — эркин рақобат ҳар қандай монополияни (якка ҳокимликни) инкор этади. Бозор — рақобат, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни сақламоғи лозим. Демак, рақобатли бозор жамият тараққиёти учун тўғри йўлдир. Давлат мулкчилигининг якка ҳокимлиги даврида ҳақиқий бозор муносабатлари тўғрисида гап юритиш ноўрин эди. Бозор иқтисодиёти турли хил мулкчилик бўлишини талаб қилар экан (чунки улар ўртасида товарларни ҳақиқий адолатли ва эквивалент айирбош қилиш мумкин) унга эришмоқ учун мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, акционерлик жамиятлари барпо этиш, давлат хўжалиги заминида жамоа хўжаликларини, қўшма мулкчилик асосида корхоналарни ташкил этиб, хусусий мулкни вужудга келтириш зарур. Шуни таъкидлаш керакки, бу жараёнга айрим вилоятларда маҳаллий раҳбарлар сунъий тўсиқлар қўйишяпти. Бу ислоҳотнинг туб мақсадларини англаб етмаслик оқибатидир.

Жаҳон тараққий этган мамлакатлари тарихидан маълумки ҳар бир мамлакатда эски иқтисодий муносабатлардан, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш даврида шу даврга хос қийинчиликлар, хатоликлар, муаммолар, қарама-қаршиликлар ва ҳар хил кўринишдаги зиддиятлар юзага келади.

Ўзбекистон ҳам ҳозирги кунда янги иқтисодий муносабатларга, яъни бозор муносабатларига ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Бу даврнинг ўзига хос қийинчиликлари, муаммолари, зиддиятлари мавжуд.

Илгари Ўзбекистонга бошқа минтақалардан 84 тармоқнинг маҳсулоти олиб келинар эди. Энди бу алоқалар узилиб, барча турдаги истеъмол маҳсулотларининг тақчиллиги, нарх-навонинг кун сайин ўсиши, пулнинг қадрсизланиши кучайиб бормоқда.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ўз мустақиллигини жуда мураккаб ва оғир шароитларда мустаҳкамлашга тўғри келмоқда. Ана шу вазиятда, айни бир вақтнинг ўзида иккита мураккаб масалани ҳал этиш зарур.

Биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш ва мамлакатда чуқур ислоҳотлар ўтказиш;

иккинчидан, иқтисодиётни барқарорлаштириш, ҳалқ фаровонлигини кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик даркор.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тарихий тажрибасидан маълумки, фақат уюшган бозоргина халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади. Ишлаб чиқаришдаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди. Ишлаб чиқаришни истеъмолчи-

зор иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи жамоа хўжалиги, кичик ҳамда қўшма, кооператив ва хусусий корхоналарда вужудга келтирилган.

Ўзбекистон аграр республика бўлиб, табиий шароити қишлоқ хўжалик экинларидан икки-уч марта ҳосил олиш имконини беради. Қайта ишлашни республика минтақасида ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни изчил амалга ошириш фикримча, фойда келтирган бўлур эди.

Ислоҳот тадбирларини оқилона амалга оширадиган, ҳозирги куннинг талабига жавоб берадиган ва миллий қадриятларимизни рўёбга чиқарадиган фидоий, жонкуяр, билимдон, юқори малакали мутахассис, маҳаллий кадрларни тайёрлаш ҳам шу кунниг муҳим вазифаларидан биридир.

Иқтисодиётнинг устиворлиги Президентимиз олиб бораётган изчил сиёсатда ҳам яққол намоён бўлаяпти. Республикамиз мустақил деб эълон қилинганидан сўнг Президент фармонларида ҳам, Олий Кенгаш қабул қилган қонунларда ҳам, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ҳам бу йўл изчил давом эттириляпти. Қисқа давр ичида Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг 50 дан ошиғи иқтисодий қонун ва қоидалар эканлиги фикримиз далилидир.

Ўктам РАШИДОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сари!

ҚОНУН НОМИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ОЛИЙ СУДИ, РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МАХСУС САҲИФАСИ

ТАРБИЯВИЙ ИШНИНГ САМАРАСИ

Бу йил Андижонда машина, мотоцикль ва бошқа транспорт воситаларини олиб қочиш кескин камайгани қайд этилди. Давлат автомобиль назоратининг шаҳар бошқармаси ходимлари бу ҳолни олиб борилаётган тарбиявий тушунтириш ишларининг натижаси деб билмоқдалар.

Машиналарни ўғирлаш ҳолларининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу жиноятларни асосан маълум бир касб эгаси бўлмаган одамлар қилади. Улар ўзларининг бу ишларини гўё турмушнинг оғирлашиб кетгани билан оқламоқчи бўлади. Аммо, маълумки, ҳалол одам ҳар қандай шароитда ҳам бировнинг мулкига кўз олайтирмайди. Демак, машина ўғриси қилмишига яраша жазо тортиши керак.

Бироқ, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг мақсади — одамларни жазолаш эмас, уларни ёмон йўлдан қайтариш, жиноятнинг олдини олиш ва унинг содир этилиш сабабларини ўрганишдир. Жиноятга кўпинча одамларнинг бепарволиги ҳам сабаб бўлади. Улар машинани қулфламасдан, қаровсиз қолдириб кетадилар, бу билан ўзлари ўғриларга «ёрдам» бераётганини ўйламайдилар. Мисол учун, Андижонда тўртта тунда машина қўядиган жой бўлишига қарамасдан, яқинда Жиззахдан «Жигули»да келган меҳмон машинасини меҳмонхона олдида қолдиради. Эрталаб эса милицияга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Милиция капитани Шукурулло Абдураҳмоновнинг тадбиркорлиги туфайли унинг машинаси топилди.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

• *Долзарб мавзу*

ЯНГИЛАНИШ ЗАРУРАТИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида тан олиниши ва бозор иқтисодиётини шакллантириш давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқий ислоҳотни амалга оширишга мувофиқ келадиган янги қонунлар ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонунларни, айниқса, собиқ Иттифоқ томонидан қабул қилинган идоравий ҳужжатларни ҳозирги талаб даражасида қайта ишлаш, янгилаш, тубдан ўзгартиришни талаб қилмоқда.

Даставвал ҳуқуқий ислоҳотни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қоидаларига асосланиши керак. Шу сабабли, ҳар бир идоравий ҳужжат Конституция ва бошқа қонунлар талаби даражасида ишлаб чиқилиши лозим. Шунингдек, Конституциянинг 15 ва 16-моддаларида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Конституцияга мувофиқ (93-модданинг 13-банди) Президент республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларининг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатиш ва бекор қилишга ҳақли. Вазирлар Маҳкамаси эса (98-модданинг 3-банди) иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Биз қурмоқчи бўлган адолатли демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим талабларидан бири — қонунга қатъий оғишмай риоя қилишдир. Қонунларга ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилган норматив характерда бўлган ҳужжатларга амал қилишга ҳамма давлат органлари, тадбиркорлик тузилмалари, жамоат ташкилотларининг мансабдор шахслари ва фуқаролар бирдек, сафарбар қилиниши зарур. Бу эса, ўз навбатида фуқароларда ҳуқуқий маданиятни ва онгни шакллантира бориб, мафкура борасидаги давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланади.

Идоравий ҳуқуқий ҳужжатлар фақатгина қонун билан белгиланган доирада ваколатли давлат бошқарув идоралари томонидан чиқарилиши керак. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг қонун ёки бошқа норматив ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 апрелда қабул қилинган «Собиқ ССР Иттифоқининг қонунга оид ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан Ўзбекистон Республикасининг тегишли норматив ҳужжатлари қабул қилингунга қадар собиқ ССР Иттифоқининг қонунга оид ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунчилигига зид бўлмаган қисмларининг ҳаммаси амал қилади.

Вазирликлар, идоралар, концернлар ҳар бир идоравий ҳужжатнинг Ўзбекистон қонунларига мувофиқ келиш ёки келмаслик даражасини аниқлаб режа асосида уларни ишлаб чиқиш, янгилаш ишларини олиб бормоғи лозим. Бу жуда мураккаб ишдир. Чунки собиқ Иттифоқнинг идоравий ҳужжатлари 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида шаклланган, уларни дарҳол ўзгартириш мушкул. Шу сабабли, идоравий ҳужжатларни мустақил Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида таҳлил қилиб эксперт баҳолашни ташкил қилиш лозим. Идоравий ҳужжатлар турли хилда номланиб, улар Низом, қўлланма, қоида ва бошқа ҳужжатлардан иборат бўлиб улар иқтисодда ҳуқуқий тартиб ўрнатишда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Вазирликлар, идоралар, концернларнинг тармоқ, хусусиятлари идоравий ҳужжатларда ёрқин ифодасини топиши зарур.

Бизнинг фикримизча, идоравий ҳужжатларни маълум изчилликка келтириш бир неча йўналишда олиб борилиши керак. Собиқ Иттифоқ ҳукуматининг ва идоралараро ҳужжатларини у ёки бу тармоққа оид ҳужжатларини тубдан ўзгартириб Ўзбекистон давлати ва унинг бошқарув идоралари учун мақбул бўлган ҳужжатлар ишлаб чиқилиши лозим. Собиқ Иттифоқ органлари томонидан қабул қилинган идоравий ҳужжатларни тизимлаштиришда турли хил амалий муаммолар чиқиши шубҳасиз. Идоравий ҳужжатни номлашда, уларни гуруҳларга ажратиш, ҳужжатларни бирлаштириш ва умуман янги ҳужжатларни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Энг авало, биринчидан, идоравий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш жараёнида аҳамиятини йўқотганларни бекор қилиб, уларни амалий таҳлил қилиш доирасини қисқартириш керак. Иккинчидан, ҳозирдан бошлаб қайта ишланиши энг муҳим бўлган ҳужжатларни аниқлаб, уларнинг рўйхатини тузган ҳолда, бу ишга вазирлик, идора, концернлар ишчи девонларининг мутахассисларини сафарбар қилиш керак.

Учинчидан, то янги низом, қўлланмалар, қоидаларнинг янгилари қабул қилингунга қадар Собиқ Иттифоқ органларининг айрим ҳужжатлари ижро қилиш муддатларини белгилаб олиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилнинг 2 мартида чиқарилган қарори билан «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органларида ва корхоналарида юридик хизмат ҳақида»ги Низом қабул қилинди. Ушбу Низом давлат бошқарув органларида ҳамда мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарда юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқи, мажбурияти ва жавобгарлик асосларини белгилайди. Низомнинг 8-бандига асосан идоравий ҳужжатларни юридик хизмат ходимлари томонидан амалдаги қонунларга мувофиқлиги дастлабки текширувдан ўтказилмасдан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Идоравий ҳужжатлар давлатнинг ҳуқуқий тизими силсиласида муҳим ўрин тутганлиги сабабли бозор қонунлари ривожланиши тараққиётини эътиборга олиб, иқтисоднинг тармоқларини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари узвий ҳолда уйғунлаштирилиб ишлаб чиқилиши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қонунларга нисбатан қоидалар ишлаб чиқилган бўлиб, бу қоидалар ҳозирги пайтда кенг қўлланилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг 1991 йил 10 ноябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш қоидалари тасдиқланган.

Аммо, бу қоидалар давлат бошқарув органлари, хусусан, вазирлик, идора ва концернлар томонидан ишлаб чиқилиб, қабул қилинадиган идоравий ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб бермайди. Бундан ташқари, 1975 йилнинг 19 августида Ўзбекистон Адлия вазирлиги коллегияси қарори билан тасдиқланган. «Ўзбекистон вазирлик ва идораларида норматив ҳужжатларни тайёрлаш бўйича тавсиялар» республика тараққиётининг ҳозирги ривожланиш босқичи талабларига жавоб бермайди.

Бизнингча, ҳуқуқий ислоҳотни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Алоҳида ҳолда норматив ҳужжатларнинг асослари ва ишлаб чиқариш тартиби ҳақида» қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Ушбу қонунда идоравий норматив ҳужжатларни қабул қилувчи бошқарув органларининг доираси, ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиш шарт ва асослари ҳам ўз ҳуқуқий ифодасини топиши лозим.

Шу сабабли биз таклиф қилаётган қонунда идоравий ҳужжатлар лойиҳасига ҳам талаб қилинадиган мажбурий ҳолатлар, лойиҳаларни ишлаб чиқишда ўзаро келишув, идоравий ҳужжатнинг юридик техникаси, уларни тайёрлашда юридик хизматнинг ўрни, вазифалари ҳам ўз аксини топиши лозим. Идоравий ҳужжатнинг энг муҳим мезони бўлиб Олий Мажлис ва бошқа даражадаги органлар томонидан чиқариладиган қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги ҳисобланади. Бундан, ташқари, бошқарув идора органларига бўйсунувчи корхоналар, ташкилотлар бошқа тадбиркорлик ташкилий-ҳуқуқий тузилмаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузмайдиган қонун ҳолатлари ҳам мужассамлаштирилиши лозим. Идораларо норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг асослари ва тартиби ҳам алоҳида кўрсатилиши керак..

Хулоса қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонунлар асосида ягона ҳолда норматив ҳужжатларнинг асосини ва тартибини белгилаш, ҳуқуқий ислоҳотнинг самарадорлигини ошириб, ижро интизомини мустаҳкамлашнинг гарови бўлиб хизмат қилади.

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ, Фатхулла ОТАХОНОВ, юридик фанлари номзодлари.

Сирдарё вилояти давлат автомобиль назорати бошқармасига қарашли махсус бўлинма ходимлари ҳамиша ўз бурчларини аъло даражада бажариб келишаётир. Улар йўл ҳаракати хавфсизлигини сақлаш борасида бирмунча ютуқларга эришаётирлар. Айниқса Маҳамматқул Норбоев билан Бахтиёр Отажонов бу борада кўпчиликка ибрат бўлишаётир.

СУРАТДА: М. Норбоев билан Б. Отажонов.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

Қилмиш-қидирмиш

ҚУЛФНИ ТЕКШИРИБ ҚЎЙИНГ

Тошкентнинг Навоий кўчасидаги хонадонга уч киши бостириб кирди. Уй бекасига пичоқ ўқталиб, юз минг сўм-купонга яқин пул, видеомагнитофон ва баъзи буюмларни ўмариб кетишди. Бир шиша «Наполеон» коньягини олишни ҳам унутишмади. Лекин уни ичишга улгуришмади. Милиция ходимлари босқинчилардан бирининг кимлигини аниқлаб қўлга олдилар. Эндиликда унинг шериклари аниқланмоқда.

Чилонзорда эса кечки пайт жиноятчилар эгаси йўқ уйнинг қулфини бузиб кириб, квартирани «супуриб» кетишди. Лекин кўп вақт ўтмай, Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси оператив ходимлари ўғриларнинг изига тушишди. Ҳеч қаерда ишламайдиган уч йигит қўлга олинди. Улар ўғирлаган буюмлар терговда ашёвий далил бўлмоқда.

• *Жиноий иш қўзғатилди*

УЙ ТЎЛА КЎКНОР

Тошкент шаҳар жиноят қидирув бўлими ходимлари кўкнор сотаётган одамни қўлга туширдилар. Унинг гаражидан тўққиз қоп кўкнор топилди. Маълум бўлишича, бу одам уйини ҳам, ҳовлисини ҳам яширин савдо омборига айлантириб юборган экан. Оператив ходимлар кўкнордан ташқари сотиш учун гугурт қутичаларига жойлаб қўйилган уч килограммча наша, икки юз грамм қорадори топдилар.

Наркотик моддалар қуйдириб ташланди ва бангифурушга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

УСТУНЛАРНИ ҲАМ ҚЎЙИШМАДИ...

Оққўрғон туманида электр сими тортиш учун келтириб қўйилган устунлар ҳам ғойиб бўлиб қолди. «Қаҳрамон» жамоа хўжалигида яшайдиган икки йигит устунларни уйларига олиб кетишган экан. Қандай мақсадда ўғирлашганини қонунга мувофиқ тушунтириб беришади.

(ЎзА).

Бошқармамиз 3301 халқ хўжалик объектларини, 16 мингдан ортиқ фуқаролар хонадонларини қўриқлайди. Уларнинг дахлсизлигини таъминлаш кўпгина ташкилий ишлар билан боғлиқдир. Объектнинг тўлиқ даҳлсизлиги кўп жиҳатдан унинг техник ҳолати мустаҳкамлигига, ёритиш ва иситиш, шунингдек, ёнғинга қарши курашиш асбоб-анжомлари, махсус ўчириш воситалари билан тўла таъминланишига боғлиқдир.

Текширишлар ва таҳлиллар шаҳримиздаги 300 дан ортиқ халқ хўжалиги объектларидан қарийб 60 фоизда қиш шароитида ишлашга тайёргарлик сифатсиз ўтказилганлигини кўрсатди. Кўпчилик масъул ўртоқлар бунга моддий қийинчиликларни сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Йирик-йирик давлат ва жамоатчилик объектларида мулкни қўриқлаётган қоровул учун оддий жой ҳам ажратилмаган. Хона ажратилган жойларда эса иситгич воситалари йўқ, эшиклар яхши ёпилмайди, дераза ойналари синган. Айрим саноат корхоналарининг ҳовлилари ёриткич воситалари билан тўлиқ таъминланмаган. Айланма деворлар тешилган, шунингдек, бу деворларнинг баландлиги талаб даражасида эмас. Қўриқлаш ва ёнғиндан дарак берувчи воситаларда эса жиддий камчиликлар мавжуд. Қоровул милиционерларнинг меъёрида хизмат кўрсатишлари учун шарт-шароитлар яратилмаган.

Давлатнинг миллиард-миллиард сўмлик мол-мулки жойлаштирилган ана шундай энг муҳим объектларнинг айримларини мисол келтирмоқчиман: жумладан А. Расулов директорлик қилаётган радио узатиш ва овоз ёзиш республика уйининг хизмат хоналари ҳамда Д. Рўзибоев директорлик қилаётган Санъат музейи кўргазма залининг биринчи қаватига қўриқлаш ва ёнғиндан дарак бериш воситаларининг носозлиги туфайли қўриқлаш концентраторига (марказий пультига) топширилмаганлиги аниқланди. А. Пирагов директорлик қилаётган Чуқурсой панелли деворлар ва керамзит комбинати ҳудудининг асосий қисми тунда яхши ёритилмаслиги, қўриқлаш ва ёнғиндан дарак берувчи воситалари ишламаслиги ва ҳатто қоровуллар хонаси қулаш ҳолатида эканлиги кишида жиддий ташвиш уйғотади. Т. Сиддиқназаров директорлик қилаётган «АвтоВАЗ»нинг «Тошкент — Лада» бўлимида қоровулхонаси умуман йўқ. Қўриқлаш ва ёнғиндан дарак берувчи воситалари эса мутлақо ишламайди. Бундай эътиборсизлик оқибати нималарга олиб келиши ноҳотки бу корхона ва ташкилот раҳбарларини ташвишга солмаса.

Ҳозирги оғир иқтисодий шароитда ёнғиндан ёки ўғрилик ва ташмачиликдан кўриладиган моддий зарар кимга зиён? Бутунги кунда инадан тортиб энг йирик объектгача бўлган мулк мустақил Ўзбекистон мулки, унинг меҳнаткаш халқи мулки эканлигини унутмаслик керак. Текшириш жараёнида қўриқланаётган 20 дан ортиқ корхона объектларида қоровуллар учун ҳатто махсус хоналар ҳам йўқлиги ва юздан ортиқ халқ хўжалиги объектлари техник жиҳатдан мустаҳкам эмаслиги аниқланди. Кўпгина корхона раҳбарлари ўзлари ишлаётган объектларни жойлардаги қўриқлаш бўлимларига топшириш вазифаси шахсан корхона раҳбарлари зиммасига юклатилган. Бироқ баъзи раҳбарлар қўриқлаш учун кетадиган маблағни тежаш баҳонасида бу қарорга панжа орасидан қарамоқдалар.

Аслида эса қатор корхоналарда содир этилаётган ўғриликлар ва майда ўғриликларнинг ўзидан кўрилаётган зиён Ички ишлар идоралари учун қўриқлаш тизимига ажратиладиган маблағдан бир неча карра кўпдир. 1993 йил декабрь ойида айрим корхоналарнинг объектлари етарли даражада қўриқланмаётганлигидан фойдаланиб, халқ хўжалигига зиён етказишга уринган юздан ортиқ ташмачилар ушландилар.

Собир Раҳимов тумани ҳудудида жойлашган Тошкент мебел ишлаб чиқариш бирлашмаси пайвандчиси Сергей Трофимов шу корхонадан 3200 сўмлик пайвандлаш электродини ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетаётганида ушланди ва шу туман халқ суди қарорига мувофиқ 24.000 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Фақат Ҳамза тумани ҳудудида 10 декабрь куни ўтказилган тадбир натижасининг ўзида 3-сонли «Ўзмевасабзавот» комбинати ҳудудидан чиқиб келаётган автомашинани тўхтатишганда 28 қоп картошка ва 5 қоп пиёз ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланди.

Яна бир оддий мисол. 1993 йилнинг ўзида Тошкент тепловоз таъмирлаш заводида 49 та майда ташмачилик ҳолати қайд этилган ва халқ суди томонидан турли жазолар қўрилган. Бу корхона раҳбарлари ҳам корхонани ички ишлар идорасининг қўриқлаш бўлимига топшириш масаласини ҳали-ҳануз пайсалга солаётганлардан.

Мазкур текширишлар натижасида бошқармамизнинг ёнғинга қарши курашиш бўлими ходимлари қўриқловчилар билан бирга ўнлаб ташкилот ва корхоналарда давлат, жамоат мулкини сақлаш ва ёнғинга қарши курашиш қоидалари бузилганлиги ҳолатини аниқладилар. Ана шундай корхона раҳбарларидан 17 кишига 237 минг сўм жарима солинди.

Йирик-йирик корхоналар, Тошкент ёғ-мой ишлаб чиқариш комбинати, 1-Тошкент тахта омбори, «Ўзқоғоз» корхоналари ёнғинга қарши кураш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Қўриқлаш бўлимининг ҳамда корхона раҳбарларининг ўзаро келишуви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 декабрь қарори билан тасдиқланган шартномага асосан амалга оширилмоғи лозим. Лекин кўп ҳолларда корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари бу вазифани тўла-тўкис бажармаётирлар. Объектларнинг тунда яхши ёритилмаслиги, темир панжаралар билан таъмирланмаганлиги, девор, том, шип ва бошқа иншоотлар техник жиҳатдан мустаҳкамланмаслиги ва вақтивақти билан кўрикдан ўтказилмаслиги, рўхсатнома тартиби йўқлиги туфайли кўплаб кўнгилсиз ҳодисалар юз бермоқда.

Шунингдек, кўрсатилаётган қўриқлаш хизмати учун корхона ва ташкилотлар томонидан узлуксиз пул ўтказилмаслиги матижасида ходимларимиз ўз вақтида меҳнат маошларини ҳам ололмаётирлар. Қўриқлаш ходимларига кўрсатилиши керак бўлган хизматлар, яратилиши лозим бўлган шарт-шароитлар ҳам ўлдажўлда.

Айниқса, объектнинг техник жиҳатдан мустаҳкамланмаган ва қўриқлаш бўлими ходимлари билан келишилмаган ҳолда омборхона ва бошқа моддий товар бойликлар сақланадиган қўшимча хоналар қуриш ўзбошимчаликдан бошқа нарса эмас. Бундай объектларни турли шахслар тажовузидан муҳофаза қилиш осон эмаслигини ҳам унутмаслик керак. Бундай ҳолларда корхона раҳбарлари қўриқлаш бўлимини ўз вақтида хабардор қилишлари шарт. Халқимиз топиб айтган: «Ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма».

Ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ўз мол-мулкларини кўз қорачиғидек асрашни истасалар юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқариб, камчиликларга барҳам берадилар, деб умид қиламиз.

Илҳом ИСЛОМОВ, Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги.

«ЎЗИНГНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛ...»

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тортқусидир!*

Оддий тонглардан бири эди. «Агрегат» заводи ёнидаги ариқ ичидан жасад топиб олишди. Бу аёл кишининг мурдаси бўлиб, кўп жойларида жароҳат излари бор эди.

Қидирув ишлари бошлаб юборилди. Дастлаб мурданинг шахсини аниқлаш лозим эди. У Юнусобод мавзесида яшовчи Галя (маълум сабабларга кўра аёлнинг исми ўзгартирилмоқда) экан.

У бу ерга қандай келиб қолди? Қачон? Прокуратура терговчиси Тўлқин Тиллаев шу саволларга жавоб топишда кўп овора бўлмади.

Қотиллик юз берган жойдан нарида икки йигит тутилган эди. Ўшалар орқали кўп ҳолатлар аниқланди. Айтишларича, иккаласи 1-таксопарк ёнида кабоб еб ўтиришган экан. Бир аёл келиб ўзини таништиради ва такси тўхтатишда ёрдамлашишларини сўрайди. Уларнинг уринишлари беҳуда кетди. Тўхтайдиган такси йўқ. Пиёда Юнусобод томон юрадилар. Йўлда уларга бир йигит келиб қўшилди ва ўзини Марат деб таништирди.

Галянинг озроққина кайфи бор эди. У бугун онасининг қабрига боришганини, сингисининкида волидасини хотирлаб маъракага ўтказишганини айтади.

Икки «кузатувчи» йўлни кесиб ўтишаётганда узоқдан келаётган патрул машинасини илғаб қолишди. Қўрқиб кетишиб орқага қоча бошладилар. Буни кўрган милиционерлар уларни тутиб, ички ишлар бўлимига олиб кетишди...

ТУНГИ ЙЎЛОВЧИ

Жувон ҳалиги икки йигитга раҳмат айтиб бу ёнига Марат билан кетишини билдирди. Йигитлар орқароқда қолдилар. Аммо кўз қирини узишмади. Орқада қолиб кетган икки йигит Галянинг бақиргакини эшитишди. Ҳатто у ариққа йиқилиб тушганини ҳам кўришди. Марат уни кўтаришга ёрдамлашаётганини кўришди. Ҳаммаси тезда тугади.

Мурда топилган дастлабки пайтда суриштирув идораларига кўп нарса маълум эмас эди, аммо зум ўтмай қотил тутиб келинди.

...Марат орқасига қараса, боядан буён кузатиб келаётган йигитлар йўқ. Улар ғойиб бўлишган. «Агрегат» заводининг тўсиғи ёнида у жувонга ташланди. Қаршиликка дуч келгач дўппослай бошлади. У бу ҳаракатини аёлни йиқитганидан сўнг ҳам қўймади. Бечорани роса тепкилаб, кейин зўрлади...

Маратнинг шундан кейин ҳам тинчгина уйига кетгиси йўқ эди. Энди у ўзи учун ортиқча бўлиб қолган гувоҳни бир тошни олди. Сўнг аёлнинг бошига ура бошлади. У қимирламай қолгач, сиргасини ечди.

Аёл қаро тун қўйнида тўлғона-тўлғона жон берди. Унинг танаси зулматли туннинг ҳавосидек совиб қолган бир пайтда Марат Зиннуров жувонинг сумкасини кўтариб олганча ётоқхонага келди. Хотини билан шу ерда яшарди. Бу маҳал соат тўртларга яқинлашиб қолганди. Хотини унинг усти-бошидаги қон доғларини кўриб, қўрқиб кетди.

Эрталаб қон сачраган кийимларини ювaётган бир пайтда милиционерлар келиб қолишди. Ва оқибат Собир Раҳимов туман прокурорининг бевосита раҳбарлигида тугалланган жиноий иш Тошкент шаҳар судида кўрилиб, Марат Зиннуров суд ҳукмига мувофиқ ўн беш йил озодликдан маҳрум этилди.

Исмоил ШОМУРОДОВ, Абдунаби ЭРГАШЕВ.

• МИЛЛАТ РУҲИ •

БУ ДУНЁ БИР КЎҲНА СОЗ...

Санъатлар ичида энг муҳими кинодир, деган гап бор. Бу янгимас. Аммо қўшимча қилмоқчимизки, санъатлар ичида энг мукаммали (бу сўзни «қийини» дегинг келади) мусаввирликдир. Санъатнинг қайси соҳасини олманг, у бир ёки икки «хизмат»дан иборат. Айтайлик, ўша киночилик. Уни бир неча киши яратади. Актёрнинг, операторнинг, режиссёрнинг, сценарий муаллифи ва бошқаларнинг хизматлари мужассамлашади унда. Аммо мусаввир асар яратганда ёлғиз ўзи меҳнат қилади. Асарнинг режиссёри, ижрочиси, муаллифи, тасвирчиси қолаверса, «овоз созловчиси» ҳам ўзи.

Чори БЕКМИРОВнинг устахонасида энг аввал ана шулар ҳақида ўйладик.

Чори Бекмиров... Қаршилик мўйқалам соҳиби. Қайсидир журналда, «Ёшлик» ё «Саодат»да унинг чизган расмларини кўргансиз. Фамилияси ҳам танишроқдек... Хўп, сиз у ҳақда яна нима дея оласиз? Менимча ҳеч нарса. Негаки, тан олайлик — билмаймиз. Шу ўринда аччиқ бир ҳақиқатни айтгим келади. Мисол: Камолиддин Беҳзод деган буюк рассом ўтганини эшитгансиз-а? Аммо унинг бирор асарини кўрганмисиз, ё лоақал тасаввурга эгамисиз? Қолаверса, адибларимиз, журналистлар Беҳзод асарлари бугун Англия музейларини безаб турганидан «нолишади». Бир ҳисобда уларга қўшилиш ҳам жойин. Чунки инглизлар ўша бизлар кўрмаган, лекин эшитган нодир асарларни Афғонистон, Эрон мамлакатларидан олиб кетмаганларида борми, бугунгача улардан ном-нишон қолмоғи гумон эди.

Оддийгина ҳақиқат, англияликлар Беҳзоднинг жозибали асарларини кўз қорачиғидек авайлаб сақлаб келишяпти. Бу мамлакатга ташриф буюрган америкалик ҳам, мисрлик ҳам бизнинг юртдошимиз яратган ўзига хос мактаб ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Яна бир мисолни келтириш жоиз. Ўзбекистон санъат музейида ҳам ноёб санъат дурдоналари сақланади. Верешчагин деган ўрис рассомининг юртимизга келганида чизган бир асари бор. «Зиндон» деб аталади. Асарни музейда йиртилган ҳолда осиб қўйишибди. Бу ҳолни кечириш мумкинми? Бу ўша санъатга бўлган нописандлик, лоқайдликдан бошқа

«Тунги қўнғироқ». Биз уни «Муҳаббат» деб атагимиз келди.

нарса эмас. Кимдир уни ана шу жойда «бехос» йиртиб қўйибди. Мана биздаги санъат музейининг аҳволи... Назаримда, ҳар бир нарса ўз қадрини топиши керак. Яхшими, ёмонми у санъат намунаси. Шундай экан, ўзимиз эъзозлай олмаган, баҳосини билмайдиган асарларни қайсидир чет элликнинг ҳеч бўлмаса шахсий коллекциясига сотиб олишига монелик билдирмаслигимиз жоиз...

Бу мулоҳазалар Чори Бекмировнинг куйиниб айтганлари. У асосан портрет ва композиция йўналишида ижод қилади. Соҳа бўйича эса академик маълумотга эга. Дастлаб билим юртида, сўнг Театр ва рассомчилик санъати институти, кейин эса Бадиий академияда таҳсил олган. У ёғини сўрасангиз, ҳозирги кунда мамлакатда анчагина танилиб қолган ўзбек мўйқалам усталарининг кўпчилиги сингари профессор Раҳим Аҳмедовнинг шогирди.

Аслида мусаввирот олами вакилларининг ўзи бир дунё. Гўзаллик яратувчилар, дея тан олса арзигулик инсонларнинг руҳий дунёсини ҳамма ҳам тез англаб ололмайди. Воқеликнинг нозик қирраларини тез илғовчи ва шу гўзалликни инсонларга, халққа етказишга доим ҳам шошилавермайди. Соддадил, камтарин, камсуқум.

Шу маънода биз тилга олаётган мусаввир Чори Бекмиров асарлари ҳам кишини ана шундай жозибали дунёга етаклайди. Ҳали ҳис этиб улгурмаган қирраларни, рангларни кўрасиз, кашф этасиз.

Мусаввир ўз ижодидан намуна сифатида бир суратни ҳавола этди. Биз ўзимизча уни изоҳлагимиз келди. Лекин сўз тополмаймиз. Нега? Чунки унинг чизган расми ҳам жоиз бўлса бир шеър, санъат. Яъни, у изоҳланмайди. Уни ҳис қилиш керак, холос. Ҳис қилиш эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди...

Бир нуроний отахон худди ҳаж сафарига отланган каби оппоқ либосда. Юзларидан нур балқийди. Нигоҳидан, туришидан илтижоними, ё таассуфними уққандек бўласиз. Беихтиёр ҳазрат Навоий бобо ёдимизга келади. Унинг ҳазин сатрлари қалбингизда қайта-қайта такрорланаверади:

Биз фано тупроғи бўлдуқ
дайр аро, эй аҳли зуҳд,
Ҳонақоҳ саҳнидасиз
баҳси тақаддум айлангиз.

Биз англаган маъно шуки, эй зоҳидлар, тарки дунё қилдим, дейсиз. Бу дунёнинг бори лаззатидан кечиб қўйибмиз, тупроққа қоришиб кетганмиз дея фахр этмакдасиз. Аслидаку, бу борада мен билан баҳс қилишингизга ҳожат йўқ. Чунки Навоий сизнингда оёғингиз остидадур.

Мутафаккиримиз, айтишларича, уч бора ҳаж сафарига чоғланган ва ҳар гал бирор сабаб билан сафар қила олмаган эканлар. Аммо уни ҳожи дейилса хато бўлмас. Мусаввир ўзининг «камтарона» бир ижодий ишида ҳазратни ҳаж сафари либосида, ҳожи унвонида тасвирлашга «уринган»...

Оддий ўқувчи тушуниши учун «расм чизиш»нинг йўналишлари ҳақида икки оғиз сўз. Олайлик, портрет жанри бор. Биз бирон инсоннинг юз кўринишини тасвирлаган суратни портрет деймиз. Бу жанр ана шу юз кўринишни тасвирлаш баробарида қаҳрамоннинг ички дунёси, дунёқарашигача намоён эттира олиш қобилиятининг намойиши ҳамдир. Устахонадаги суратлар ичида бир портрет диққатимизни тортди. Бу даштлик отахоннинг расми. Бир қарашда оддий инсон. Аммо секин-аста унинг юзидан ёғилаётган маъноларни илғай бошлайсиз. Унга тикилиб нигоҳингизни қадасангиз бас. Тоғликларга ўхшар экан, дейсиз. Сўнг ўзингизга савол берасиз: Отахоннинг тоғлик ёки тоғлик эмаслигини қандай изоҳлаш мумкин? Ўзингизнинг саволингиздан бехос ҳушёр тортасиз. Изоҳга сўз топа олмайсиз. Аммо қаеридир тоғликларга хослиги аён.

— Буни Исфандиёр Ҳайдаров билан Бахмалга борганимизда ишлаганман. — Мусаввирнинг гапидан фикрингиз бўлинади. Аммо сўз қўшмайсиз. Айтмадимми, мен ҳам тоғлик деб ўйлаган эдим-а, дея олмайсиз. Мўйқалам соҳибининг қандай қилиб бу тўхтамга келдингиз, дея сўраб қолишидан чўчийсиз. Аслида кўнглингиздан кечгани рост-да. Лекин башарти сўраса ҳам, ҳа, энди ўхшатдимда, дейишдан нарига ўта олмаслигингизни ўйлайсиз. Асарни тўғри ҳис қилганингиздан хурсанд бўласиз. Сизга шунинг ўзи ҳам бир бахтдай туюлади. Чори Бекмиров ҳангомасига бир бор мушарраф бўлган бу отахонни сизга борлиғича тасвирлай олганига тасанно айтмай иложингиз йўқ.

Устахона — қайноқ ижод маскани. Шоиру ёзувчиларнинг ўнлаб қизғин суҳбатлари, баҳсу мунозараларига шоҳид гўша. Дарвоқе, биз ҳиссиёт ҳақида гапирдик. Мусаввирнинг фикрича, ижодкорнинг ютуғи унинг ҳиссий имкониятларидадир. Мисол, мана бирор ҳовлининг суратини чизмоқчисиз. Дастлаб сиз унинг бори-йўғини ақлан идрок этасиз. Аммо уни чизиш асносида сизнинг ҳиссиётингиз куч беради. Усиз асарда муваффақият бўлмайди. Қаҳрамонимизнинг хулосасига кўра, санъаткорнинг кучи ҳиссиёт қирраларига боғлиқ.

Суҳбат қизигандан қизийди. Унда биз мусаввирликнинг ўзимизга номаълум қирраларини кашф этамиз. Фикрларимиз ойдинлаша боради. Унда тарихни ҳам, одамзоднинг бугунини ҳам, эртасини ҳам кўрамиз. Унда сиёсат ҳам мужассам. Ватан, юрт туйғуси, унинг ўзигагина хос қадриятлари, муаммолари, одамлари ҳақида ўйга ботамиз. Шу лаҳзада мулоқотимизни эшикнинг қўнғироғи бўлади. «Қўшнимиз», дея таништиради мусаввир. «Қўшни» ҳам санъатнинг ошноси экан. «Бир зўр расм керак», дейди у. «Қанча десангиз майли, олишга тайёр одам бор...». Дарвоқе, бу бизнинг санъаткор ҳиссиёти ҳақидаги мусоҳабамиз мавзуига боғланади. Сўнг қўшиб қўяди: «Одамни қўзғаб, юрагини ўртаб юборадиганидан керак». Мусаввир суҳбатни атайин бошқа мавзуга буради. Болаларча чизилган отнинг суратини кўрсатади. «Қизим чизган», — дейди у. Разм солсангиз, отнинг бошдан оёғигача бошқа-бошқа ранг, шакл. Ҳали олти ярим ёшли қизалоқ тасаввур этган от...

Чори даштнинг боласи. Қарши чўлида ёшлигида яланг оёқ кезган. Болалигида сўнгсиз чўлу биёбонлар унга дунёнинг ўзига хос гўзаллиги ва уни идрок этиш мумкинлигини ўргатган. Асарлари шулар ҳақида ҳикоя қилади. «Қарши чўли» туркуми фикримизни асослайди. Рўпарамизда «Чўл маликаси»... Бу, маликалар чиройли бўларди-ку, деган гап ўтади хаёлингиздан. Бир қарашда юзлари саҳронинг жон олғувчи жизғанагида қорайган оқ либосдаги бу кишининг «малика» эканлигини англаш ҳам қийин. Зироқлари аёл эканлигини билдиради, холос. Аммо сиз яхшилаб термулинг. Ана шунда ўзингиз ўйлаган маликангизда учрамайдиган гўзалликни топасиз...

Бу отахон эса чўпоннинг сиймоси. Қўлида ўша чўпон таёғи. Кўпни кўрганлиги маълум. Юзида терлари қотган шекилли. Сал нарида кўтон. У томони энди манзарали лавҳалар. Отахонга яхшилаб разм соламиз. Юз кўринишидан ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тортгани сезилиб турибди. Булар бир қарашда хаёлингиздан ўтадиган ўйлар... Ҳаммаси порт-



«Қарши чўли» туркумидан лавҳалар: бу — «Чўл маликаси». Буниси — биз ҳикоя қилган чўпон сиймоси.

Мангулик... Хўп, дунёда нима мангу яшайди? Эзгуликми, гўзалликми, инсонийликми? Муҳаббатми ё? Балки ҳаёт чархпалагининг айланиши мангудир... Чори Бекмировнинг «Мангулик» асари сизни сўнгсиз саволларга чулғаши тайин.

трет жанрининг ва унда ижод қилган мусаввирнинг истеъдоди ва имкониятлари самараси.

Тасвирий санъатда композиция жанри деган яна бир йўналиш бор. Бунда ўша портрет ортида қандайдир лавҳа, кўриниш ва ҳаракатлар тасвирланган бўлади. «Қарши чўли» туркумидаги лавҳани олинг. Чўпоннинг қўйлари учун қурилган кўтон. Уни сиз дастлаб тасаввурда жонлантиришга ҳаракат қилингчи. Бийдай чўлда у қандай бўлиши мумкин? Ўзига хос жиҳатларини назарда тутиб асардаги ушбу лавҳани кўздан кечирамиз. Умуман бу ерда лавҳа асарни тўлдирган. Шундай экан, ўша кўринишлар, сюжетлар ва ҳаракатлардан «йиғилган» гулдаста композициядир. Назаримизда, бу жанрнинг ўзига хослиги ижодкорнинг борлиқни кучли идрок этиши, вазиятга зукко ёндаша олиши, ҳар қандай кўринишни тўғри баҳолай олишини тақозо этади. Композиция жанри ижодкордан ана шу хислатларни талаб этади.

Санъатнинг ҳар бир соҳасида рамзийлик бор. Рамзийлик шоирнинг шеърида ҳам, адибнинг ҳикоясида ҳам бор. Рассомчиликда яратилган бу йўналишдаги асарлар ҳам қандайдир одамнинг руҳини тозалайди. Янги-янги фикрлар, дунёқарашлар оламига чорлайди. Сиз бундай асарларнинг мутолаасидан баъзан тез толиқасиз, баъзан чарчоқни билмайсиз. Улар сизга мавзу беради. Ана шу мавзулар сизни мулоҳаза қилишга, мушоҳада этишга ундайди. Сиз бирор мавзуда ишо ёзаётгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Фикрлар, фикрлар... Улар сизнинг қалбингизга ёғилиб келаверади. Баъзан эса аксинча, бир жойда депсиниб қоласиз. Бу эса сизнинг мазкур асар мавзуига тайёр эмаслигингиздан далолат.



Чори Бекмировнинг «Тунги қўнғироқ» асарининг мавзуи муҳаббат. Бу туйғу ҳақида ўнлаб китоблар ёзилган. Шоирларнинг аксарият шеърларида ҳам муҳаббат куйланади. Аммо ҳали ҳеч ким бу мавзуга нуқта қўйгани йўқ. Чунки унинг поёни, чегараси йўқ. Бу мавзуда сиз ҳам ўтган ҳиссиётларингиз ёхуд бугунги руҳий оламингизнинг ана шу қирраларини бирма-бир бошдан кечиргандай бўласиз. «Тунги қўнғироқ» ҳам бу буюк ҳиссиёт мавзуида соатлаб ўй суришингизга туртки бўлади. Лирика дейишади кўпда буни. Аммо лирикани чизиш ҳам, таъбир жоиз бўлса, «бир лирика».

Ўқувчилик пайтимизда ҳаммамиз ҳам расм чизганмиз. Ўша сабоқлардан бизга «натюрморт» деган сўз эсдалик бўлиб қолган. Столнинг устига анорми, олмами ёхуд чойнакпиёлани қўйиб унинг тасвирини чизардик ва тепасига сарлавҳа қўярдик: «Натюрморт». Бугун ҳам болалар натюрморт чизишади. Лекин аслида унинг маъносини билишармикин? Санъатнинг бу кўриниши асосан жонсиз, қимирламайдиган «қаҳрамонлар» тасвирини чизишдир. Мусаввирнинг бу усулдаги чизмаларини кўриб ўйга ботасан киши. Ўқувчилар учун энг осон бўлган натюрмортнинг ҳам аслида бошқа жанрларда учрамайдиган мураккаб томонлари бор.

Рассомликнинг ўзига хос йўл-йўриқлари ҳақида баҳоли қудрат сўз юритдик. Аслида ҳар бир асар мўйқалам соҳибининг ўша инсон ёхуд жисмнинг, лавҳа, кўринишнинг ўзига хос гўзаллиги, назокати, латофати, таъбир жоиз бўлса, характеридан таъсирлангани билан боғлиқ экан. Чори Бекмировнинг хулосасига кўра, муваффақиятли чиққан расмга юракни бир «жиз» эттирадиган тафсилот ибтидо бўларкан. Мусаввирнинг қувончу ғамлари ҳам асарларидир. Шу боис, қўшиқчи ҳеч бир қўшиғидан кечмаганидек мўйқалам соҳиби ҳам ҳар бир суратини фарзандидек ардоқлайди.

Бизнинг юртимиз санъатнинг асл бешикларидан саналади. Буни такрор-такрор айтгимиз келади. Тарихимизни безаб турган буюк зотларимиз билан ҳамиша фахрланамиз. Аслида эса улуғлар нафаси уфуриб турган бугунги ватандошларимиз орасида ҳам оламни лол этмакка лойиқлар бор. Бугунги санъатимиз, асрий урф-одатларимиз ҳам кўпларга мактаб бўлғулик. Фақат олдингдан оққан сувнинг қадри бўлмаганлиги каби ўзимиз уни етарли эъзозлай олмаяпмиз. Буни келажак авлодларимиз олдидаги катта хатомиз, деб тушунмоқ керак.

Чори Бекмиров ижодхонасидан қайтар эканмиз, хаёлимиздан ана шу фикрлар ўтди. Зеро, бу мўйқалам соҳибининг дурдоналари сизу бизни эзгулик ва гўзаллик сари етаклайди. Ва яна Ватанни севишга, чин дилдан севишга, алҳисса имон сари чорлайди...

Бу чоғда муғаннийнинг созига катта ҳофизнинг дилтортар ноласи жўр бўлиб қулоғингиз остида жаранглайдиган бўлади:

Бу дунё бир эски соз
Ўтган бир чалиб ўтар
Кимлар оҳангни топар,
кимлар тополмай ўтар...

Боногоҳ Чори Бекмиров ушбу созга жўшқин оҳанглар топаётганига ишондик...

Ҳусан ЭРМУҲАММАД.

Устахонани, жонз бўлса, Чори Бекмировнинг ижодий кўргазмаси, дейиш мумкин. Ахир унинг маърифий аҳамиятини ҳисобга олиб яна қандай аташ мумкин? Мусаввирнинг асарлари Канадада, Японияда, Францияда, яна жаҳоннинг неча иқлимларида одамлар «хизмати»да. Жумладан, ўзимизда ҳам, яъни мусаввирнинг ўз устахонасида.

Суратларни Абдулғани ЖУМА олган.

Зоҳиджон ОБИДОВ

Жанрчи шоир Зоҳиджон Обидов 1923 йили Тошкентда туғилган. Ленинград жангларида қатнашиб, ярадор бўлиб қайтгач, Тошкент Давлат дорилфунунида ўқиди. Шоир сифатида у 50-йиллардан бошлаб танилди. «Яхши ният», «Умид тўлқинлари», «Куйла, дилкаш дуторим», «Қанотли қўшиқлар» сингари йигирмадан ортиқ шеърий тўпламлар муаллифидир. Дилкаш шоир яқинда ўзининг етмиш ёшини нишонлади. Биз ҳам барча ўқувчиларимиз номидан Зоҳиджон акани шу қутлуғ манзил билан табриклаб, ижодидан айрим намуналар эълон қиляпмиз.

ТИЛГИНАМ — ДИЛГИНАМСАН

(ҚЎШИҚ)

Эс-ҳушимга эш бўл, она тилгинам,
Пуч сўзлама, тер дурдона, тилгинам,

Дилга эш бўл, хуш калом этиб инъом,
Эзгуликдан қил фасона, тилгинам.

Тиғинг чархлаб адолат чархи бирлан,
Ғовларингни енг мардона, тилгинам.

Имон, ибо, шафқат бўлсин илҳомкор,
Тинглаганни эт фарзона, тилгинам.

Назм бўлиб, наср бўлиб топдинг шон,
Қўшиқларга бўл баҳона, тилгинам.

Она тилин жондай асрар Зоҳиджон,
Тўкислигинг ёй жаҳона, тилгинам.

* * *

Осмонга юксалган тоғ бошида қор,
Кўксида маъдану ҳарорат бисёр,

Кибрли тепалар боши қизғин-у,
Қалбида қандайдир бир совуқлик бор.

Иззат топай десанг, эй оқил одам,
Тепамас, тоғлардан ибрат ол илдам.

ЎПКАНГНИ БОС

(Ҳажв ўрнида)

Ўпкангни бос, ҳаволанма бир парда туш,
Ерга қўнар баланд учса ҳам қуш.
Бойваччалик замонимас, кўзингни оч,
Бўлар-бўлмас удумларга бўлма емиш.

Мисинг чиқмас эса, бир кун исинг чиқар,
Ҳаддан ошмай ўғил уйлаб, қизинг чиқар.
Ҳовлиқма кўп, гар ўзингдан кетар бўлсанг,
Қош қўяман деганингда кўзинг чиқар.

Эзгу йўлдан бориб топ, ўз ҳурматингни,
Меҳнатда шон топганларни кўрмадингми!
Пулга келмас эл-юрт аро обрў олмоқ,
Бурдинг кетар замонга танг юрмадингми!

Ош тортганмас, заҳмат тортган довруғ кўрар,
Ахир, бир кун бошига бахт қуши қўнар.
Дабдабали расм-русум йўлин тутган
Тили чиқиб, тилдан тушиб, хомуш юрар.

Ортга қайтиб тоғлар томон сой оқарму,
Кундуз куни қуёш бўлиб ой боқарму!
Ҳушинг йиғиб, атрофга боқ, оқимга оқ,
Тиниқ булоқ сувларида лой оқарму!

Замини бўш ерда бино қуриб бўлмас,
Эгри йўлдан хавф-хатарсиз юриб бўлмас,
Зоҳиджон дер: чоғингга боқ, билиб йўл бос,
Таг-туги бўш обрўдан бахт қуриб бўлмас.

ШОИРНИ ЮРТДОШЛАРИ ҚУТЛАШДИ

Яқиндагина Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов юртдошлари ҳузурига — Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди. Уни Қарши шаҳрида ҳамюртлари, мухлислари, қариндошлари, дўсти-бородарлари юзида табассум, қалбда қувонч билан олқишлаб кутиб олишди. Улар азиз меҳмонга гуллар тақдим этдилар.

Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги вилоят мусиқали драма театри биносида шоирни улуғ мукофот билан қутлаш маросими бўлди. Унга шаҳар жамоатчилиги ва вилоят меҳнаткашларининг вакиллари тўпланишди.

Кечани вилоят ҳокими ўринбосари Раим Раҳмонов кириш нутқи сўзлаб очди. Шаҳар ҳокими Музаффар Маҳмудов ва ХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби Музаффар Туробовлар меҳмонга миллий тўн ва дўппи кийгиздилар. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Шарофат Ашурова, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими Исмоил Тўхтамишев, Қарши Давлат университети филология факультети декани Бойназар Йўлдошев ва бошқалар шоирни юксак мукофот билан қизғин қутладилар.

Шундан сўнг сўз Абдулла Ориповга берилди.

— Буюк бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари номидаги совринга менинг ҳам ижодим раво кўрилганлиги катта бахт ва улуғ масъулиятдир,— деди у.— Мамлакатимиз Президенти фармони билан юксак мукофотга сазовор бўлганлигимиз албатта қувончлидир.

Шундан сўнг Абдулла Орипов ўз ижодидан намуналар ўқиди. Яна шоирнинг шеърлари, қутловлар янгради. Қашқадарёлик санъаткорлар томонидан шоир шеърларидан дасталанган куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Кечада Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов, вилоят Фахрийлар кенгашининг раиси Соиб Усмоновлар қатнашди.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Нуроний бу дунёнинг тилакларин истадим...
А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Сафар БАРНОЕВ

БИЗ ШУНДАЙ ЭДИК

Биз шундай шиорлар ўйлаб топардик,
Йўқсиллар бирлашинг,
Бойларга ўлим.
Нолиган кимсанинг оғзин ёпардик,
Тўғрилаб қўярдик
Сибирга йўлин.
Биз шундай... не бўлса кўрар эдик эп.
Қарсаклар чалардик,
Билмайин — билиб.
Мозор тепасига «Хуш келибсиз» деб
Қизил байроқни ҳам
Қўярдик илиб.
Биз шундай... онамиз сутига тўймай
Ўзганинг меҳрига
Уч бўлган авлод.
Шалвироқ сўрғични қўярда-қўймай
Талашиб,
Тортишиб, сўриб умрбод
Илик пуч,
Тана мўрт,
Усганмиз хурсанд.
Болтанинг сопини қўшни боғидан
Ясаб
Бош кўтариб юрганмиз баланд.
Биз шундай...
Турланиш бобида якто,
Шайтон қулоғига исирға таққан.
Ҳурлик қўшиғини куйлаб бехато
Кечаги сувратга
Тикилиб боққан.
Биз шундай тилимиз
Тилим, тилинган
Бўйинга осиғлик сўрғичнинг ипи.
Обққа шайтоннинг ковуши илинган,
Қорачиғимизда
Елғоннинг сепи.
Биз шундай...
Шундайми...
Уксинмоқ надир.
Юрагим устига қўйганда қўлим,
Ундан садо келар;—
Бўлма беқадр.

Узни танимаслик

Улимдан-ўлим.

МЕНИНГ МУАЛЛИМИМ

Менинг муаллимим ҳар икки сўзда
Ҳофиздан,
Бедилдан байт айтар эди.
Дерди, меҳр деган яшайди кўзда.
Кўздан меҳр нури қочмоқда энди.
Энди изқувар бор.
Қусур қувар бор,
Бордир излаб юрган хатоларингни.
Қайда тўртта одам бўлиб қолса тўп,
Ҳисоблар сен йиғган матоларингни,
Иши йўқ кимсану
Нимасан асли,
Шунчалар бўларми одам деган зот.
Зурёдда бошланди
Хазонрез фасли.
Тўлғониб ётади юракда хасрат.
Елғон эшикларни қоқиб келади,
Ноилож очасан
Тирноғинг қонар
Сийлаган одамнинг сендан кулади.
Аллақайда ишонч дарахти ёнар.
Ёнар, ихлос деган бўлиб жизғанак.
Кўчага чиқасан
Ҳар кун турланиб.
Бешикда санчилган чақиртиканак
Бошингни оғритар,
Юрасан тониб.
Тонасан, оғриғинг юкингдан оғир,
Сарғиш кулгуларинг сарғайиб кетар.
Жигаргўшаларим, сўзларим тахир,
Ҳофизни, Бедилни танисанг нетар.
Нетар, ўч бўлмасанг бунча саробга.
Кўздаги пардани олиб ташласанг.
Қуёш нурларини ичсанг ҳовучлаб.
Сўнг бобонг Темурни таний бошласанг.
Менинг муаллимим ҳар дарс сўнггида
Ҳофиздан.
Бедилдан байт айтар эди.
Ютар дорисини олиб енгидан

Шимганча

Уйига тез қайтар эди...

БОЛАЛИКДАН ҚОЛГАНИ

Бизга болаликдан
симёғочларга
Илинган,
Йиртилган варраклар қолди.
Урушда йўқолган оталарингиз
Келади...
Елғончи дараклар қолди.
Фолбин ҳам кўп экан ўшанда чоғи
Бари товламачи,
Чўнтаксоз, палид,
Ҳар куни уларнинг эшигин қоқиб
Онамиз алдовин қилардик харид.
Кўча тўла эди
Ногирон, ночор.
Изларди ноилож мададни калом.
Худди бизлар бугун
Чораси бор деб
Экстрасенсларга бергандек салом.
Елғонининг
Зурёди ўлмагай сира
Гуллаб турар экан экилган рўё.
Экканн унмаган улуғ оғага
Қуёшим деб
Таъзим қилгандек гўё,
Бизга болаликдан
Зада бўлган қалб
Бошга соя солган байроқлар қолди.
Бугдой ўримида
Чанқаган пайти
Урикка санчилган ўроқлар қолди.
Қолди.
Юракларга ўрнашиб қолган
Чидагин,
Сабр қил, қаноат қолди.
Озодман дегунча тиллари тугун
Кимсалар...

Не сиру синоат қолди.

Бизга болаликдан қолгани шу деб

Бошқа ҳеч ваҳо йўқ

дея ким айтди.

ҚЎМСАШ

Энди қад ростлаган маҳалларимиз
Энди одам танийбошлаган йиллар.
Тенгу-тўш бирлашиб юрар эдик биз
Ҳали йироқ эди учар манзиллар.
Қўшни маҳалланинг болаларига
Кўриб қўйинг дея,
Қилиб ёв қараш.
Гоҳ жангга кирардик, чидаб барига
Гоҳ енгиб,
Енгилиб, борарди талаш.
Чиройли қизлар ҳам кўп эди унда.
Қирқ кокил,
Барваста,
Барчиной келбат.
Ошиқман деганлар гоҳ унда-бунда
Маҳалла қизларин
Пойларди албат.
Биз эса,
Биз эса,
Қизғаниб, куйиб
Адабин берардик бегоналарни.
Номардлик,
Мардликни юракка тугиб,
Қувардик, ошиқу девоналарни.
Гоҳ унинг жавоби
Қайтарди бизга,
Доим шай, чизиқда
турарди лашкар.
Инсоф ҳам бормиди қизларимизда.
Чизиқдан ўтмасди, қараб қўйсак гар.
Биз ўсдик,

Чизиқлар бирма-бир ўчди.

Кокилларни кесиб кетди қайчилар,

Сенинг айтганларинг

Барини пуч деб,

Куйин чалаверди, сурнай, найчилар.

Биз куйга маҳлиё бўлдикми дейман.

Мардлик куйганини

Билмайин қолдик.

Илинж — яшаш бўлди, деганда
ейман

Олис манзилларга

Бир-бир йўқолдик.

Бу бир хотирами,

Билмадим надир.

Ким ҳам эсламайди ўсган
жойларни,

Ҳамон маҳалламиз
Тушда кўрадир

Алпомиш йигитин. Барчинойларин....

БИЛАСИЗМИ?

АРХЕОЛОГИЯДА ЯНГИЛИК

● **Хитойнинг Шанси вилоятида қадимшунослар Ся династиясининг Юй ҳокимлиги (эрамиздан аввалги 21 — 16 аср) даврида пойтахт бўлган жойни топишди.**

Бу археологик топилма Хитой цивилизациясининг пайдо бўлиши тўғрисидаги маълумотларга янгилик киритади. Қадимий пойтахт 18 квадрат километр ҳудудни эгаллаган. Ўша ҳудуддан бундан ҳам қадимийроқ бўлган металлга ишлов бериш устахонаси қолдиқлари ва эрамиздан аввалги 475—221 йилларга оид қишлоқ хўжалиги қуроллари, тангалар қуйишга мўлжалланган қолиплар ҳам топилган.

ОТЛАРГА ҲАМ ОСОН ЭМАС

● **Жаҳонда «Совуқ уруш»нинг тугаши Швейцария қуролли кучлари таркибидаги зобит ва аскарларгагина эмас, от ва хачирларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.**

«Армия—95» ислоҳоти режасига кўра, қуролли кучлар таркибидаги мавжуд 9 минг 200 отдан 4 мингтасини қолдириш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, мамлакатдаги от ва хачирлар учун яна бир кўнгилсизлик рўй бермоқда: ҳукумат давлат бюджети камомадини қисқартириш мақсадида ҳарбий хизматдаги улов эгаларига бериладиган давлат тўловлари ҳажмини камайтирмоқда. 1994 йилда бир от учун 600 фунт — олдинги йилдагига қараганда 20 фоиз кам нафақа берилади.

«ХОНИ»ГА БАРЧА ТАИЛАНДЛИКЛАР СОҒЛИК ТИЛАЙДИ

● **Таиланд пойтахтининг диққатга молик масканларидан бири Дусит ҳайвонот боғи янада гавжумлашди. Бунинг боиси, яқинда ажойибхонага «Хони» лақабли кичик филнинг келтирилиши бўлди.**

Ҳозир «Хони» Таиланддаги энг машҳур жонивордир. Уни катталар ҳам, кичиклар ҳам бирдай ёқтиришади. Фил ҳақида маҳаллий рўзнома ва телевидение мунтазам хабар бериб турибди. Бу жонзотга ҳатто Таиланд қироли Пумпион Адулъядетнинг рафиқаси қиролича Сирикит ҳам ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Бунинг боиси шуки, яқингача пойтахт циркида ўз чиқишлари билан муваффақият қозониб келаётган «Хони» кўчада сайр қилиб юрганда оғир юк машинаси билан тўқнашиб кетган. Оқибатда у юролмай қолди.

Бу ҳайвон бошига тушган кулфат бошқа бирор мамлакатда юз берганида унга ветеринар врачлардан ўзга ҳеч ким эътибор бермаган бўларди. Аммо Таиландда филлар муқаддас ҳисобланиши туфайли қиролича Сирикитнинг чақириғига биноан мамлакатдаги энг яхши ветеринарлар «Хони»ни қутқаришга шошилдилар.

● *Жаҳон чемпионати арафасида*

МАРАДОНА ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ОТГАНМИШ

Шу йил ёзда ўтказиладиган жаҳон футбол чемпионати арафасида машҳур ўйинчи атрофида бўлаётган ноҳуш гаплар мухлисларни ташвишга солмоқда. Маълумки, тиниб-тинчимаган журналистлар Марадонанинг қайсидир жазманидан орттирган қизларини «кашф» этиб, моҳир футболчини кўп ҳаяжонга солишган эди. Ўша гаплар теграсида ҳамон воқеалар давом этмоқда.

Бу галги воқеа Буэнос-Айресдан 35 километр олисда жойлашган Морелос шаҳридаги Марадонанинг қароргоҳи ёнида юз берди. Аввалига Марадона телефон орқали сўзлашувда, ҳақиқатан ҳам қизларимни менга рўбару қилган журналистларга қарата ўқ отдим, деб тан олди: «Қизларим менинг ёнимга кириб айтишдики: «Дада, эшикда бир журналист турибди, иккинчиси дарахтга чиқиб олган. Улар бизларни суратга туширишмоқчи». Мен эшикка чиқиб, улар билан яхшиликча муомала қилишга ҳаракат қилдим. Лекин улар ўз билганларидан қолишмади».

Журналистлар эса бошқачароқ мулоҳаза юритишмоқда. Хусусан «Карас» журнали сураткаши Р. Молеоннинг фикрига қараганда, у эшикда турган машина орқасида бўлган. Марадона чиқиши билан фотоаппаратини ишга солган. Бундан ғазабга келган футболчи қаёқдандир паҳтавонли ўқ жойланган милтиқни топиб, уларга ўқталган. Молеоннинг таъкидлашича, қўлига милтиқ кўтарган Диегонинг сурати бор экан. Кейин Марадона «Ҳозироқ жўнамасаларинг ростакам ўқ билан отаман», деб дўқ қилган.

Азият чекканлар полицияга хабар беришган, футболчининг уйи тинтув қилинган, лекин қурол топилмаган. Полиция аризачиларнинг ёзганларига асосланиб, маҳкам туришибди. Шу асосда Марадонага қарши жиноий иш қўзғатиш мумкин экан. Марадона эса: «бу воқеаларга қизларимнинг ҳеч қандай даҳли йўқ», демоқда.

Гап шундаки, футболчи бу қизларни тан олиб уларга оталик қилиши ёки рози қилиб, виждонини поклаши керак. Лекин, «Нюэлс олд бойс» клуби билан тузган шартномаси бузилиб тургани уни ўйлантирмоқда. Чунки, шу ҳужжатга мувофиқ Марадона 4 миллион доллар эгаси бўлиши мумкин эди. Бунинг устига 34 баҳорни кўрган футболчи майдонда аввалгидай ҳаракат қилиб, кўпчиликни ром этолмаяпти. Бунга сабаб, бир пайтлар қорадорихўрлик эвазига олган 15 ой майдонга тушмаслик «жаримаси» унга панд бераётган бўлиши мумкин. Бўлмаса ўзи шартнома тузган клубда бор-йўғи 7 та ўйинда қатнашиб, биттагина тўп киритмаган бўларди. Шунинг учун «қизлари» билан бошланган машмашалар Диегога дунёни тор қилиб юбормоқда.

Ҳозир Диего ойласи билан номаълум йўналишда бекиниб юрибди. Адвокатларининг маълумотига қараганда Марадона журналистлар билан рўбарў бўлишга тоқати йўқ экан. Лекин воқеа жўяли исботланса, масъулиятни тан олишга тайёрмиш. Фақат, у пахтавонлик ўқ билан отган-отмагани номаълумлигича қолмоқда. Шунга қарамай, Марадонанинг рухсатсиз мамлакатни тарк этиши ман этилган. Аргентина қонунларига мувофиқ футболчи бир йилга озодликдан маҳрум этилиши ёки шу муддатга шартли жазоланиши мумкин экан.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Азиз фарзандларимиз Одилжон, Нодиржон ва Комилжон! Сизларни қутлуғ таваллуд кунларингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азиз дилбандларимиз!

Сизларга узоқ умр тилаб
МАҲКАМБОЕВлар оиласи.

Ўзбек ва чет эл юридик шахс ва фуқаролари ҳамкорлигида ташкил этилган **«САДАФ» қўшма корхонаси** 1994 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 949-реестр рақами билан рўйхатдан ўтди.

ҚЎШМА КОРХОНА МАНЗИЛИ: Ўзбекистон Республикаси, 713132, Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Рапқон қишлоғи.

«БЕЗАК»

ЎЗБЕКИСТОН — ГОНКОНГ ҚЎШМА КОРХОНАСИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!

Ўзбекистонда илк бор Америка технологияси бўйича:

тик ва ётиқ бўлган қуёш нуридан асровчи пардалар, хилма-хил ажойиб пардалар ва дарпардалар, карнизлар ишлаб чиқарилмоқда.

Биз сизга иш жойингиз, хонадонингиз, уйингиз қиёфасини ўзгартириб, кўркига-кўрк қўшишда ёрдам берамиз, замонавий дизайнни таъминлаймиз.

Жаҳондаги машҳур хорижий фирмалар ва каталоглар бўйича буюртмалар қабул этилади.

Ташрифингизга мунтазирмиз, қадамингизга ҳасанот!

Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, «Ўзбекбирлашув» мажмуи. Телефонлар: 45-69-21, 45-76-61.

Жаббарбек ИБРАГИМОВ



Ўз хизмат вазифасини ўтаётган пайтда фожиали ўлим дўстимиз, ҳамкасбимиз милиция сержанти Жаббарбек Тожибоевич Ибрагимовни айни навқирон 36 ёшида орамиздан олиб кетди.

У армия хизматидан қайтгач, ҳаётини 1980 йилдан бошлаб ички ишлар идоралари билан боғлаган, 1988 йилнинг июнидан буён эса Чирчиқ шаҳар ИИБ қошидаги Қўриқлаш бўлимининг марказлаштирилган қўриқлаш пункти милиционер-ҳайдовчиси сифатида хизмат қилди. У қалби олов йигит эди. Топшириқларни сидқидилдан, масъулиятни ҳис қилган ҳолда бажариб, хизматдошларига ўрнак бўларди.

Афсуски, машъум воқеа туфайли у бевақт оламдан кўз юмди.

Ўртоғимиз ва ҳамкасбимиз хотираси қалбимиздан умрбод жой олади.

Биз Жаббарбек Ибрагимовнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдирамиз ва сабр-бардош тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, Тошкент вилояти ИИБ ва Чирчиқ шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси жамоаси бош муҳаррир Акмал Камоловга акаси

Акром КАМОЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БОБУРГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛДИ

Чирчиқ шаҳрининг обод ва кўркам оромгоҳ жойларидан бирида улуғ саркарда, мутафаккир шоир ва аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан унга ҳайкал ўрнатилди.

Бу ёдгорликнинг очилиши катта тўй бўлиб кетди. Йиғилишни Чирчиқ шаҳар ҳокими Дониёр Азизхўжаев очиб, Бобурнинг буюк хизматларини алоҳида таъкидлаб, унинг ўлмас адабий мероси тўғрисида гапирди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси С. Азимжонова буюк ватандошимизнинг ҳинд тупроғида юргизган олампшумул сиёсати ва савоб ишлари хусусида сўзлаб берди.

Йиғилганларга шаҳар ўқув юртларининг адабиёт ўқитувчилари Бобур ғазалларидан парчалар ўқидилар. Бадиий ҳаваскорлар шоир ғазалларидан тузилган дилрабо қўшиқ ва куйлардан концерт бердилар.

Рўзимат ДАМИНОВ.

● *Бир пиёла чой устида*

МИНГИНЧИ УЧРАШУВ

Намангандаги Тўқимачилар маданият саройининг «Бахт» кошонасида «Ишчи шарафи» — «Рабочая честь» газетасининг 1000-сони чиқиши муносабати билан бир пиёла чой устида учрашув бўлди. Бу мулоқотни Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси Абдурашид Убайдуллаев очди.

— Наманган тўқимачилик техникуми билан газета ижодкорларининг ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган, — деди техникум директори Ҳафизахон Аҳмедова. — Бизнинг ютуқларимиз, муаммоларимиз газета саҳифаларидан жой олар экан, корхона маъмурияти бизга ёрдамга отланади. Чунки, шу комбинат учун етакчи мутахассислар тайёрлаймиз. Бугунги байрамингиз, бизнинг ҳам шодиёнамиздир.

Тўқимачилар маданият саройининг «Машъал» ва «Тарона» дастаси тантана қатнашчиларига катта дастурда концерт кўрсатишди.

Турғунбўлат СУЛАЙМОНОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-46-24;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4-44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди—21.00.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, Ҳ. ЭРМУҲАММАД.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ,
ГСП, МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди — 20.40. 1 2 3 4 5 6.